

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК:336.71(857,1)

**Жўраев Жамшид Шариф ўғли**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ҲИСОБ СИЁСАТИ ВА  
УНИНГ АҲАМИЯТИ**

5A230702 – Банк ҳисоби ва аудит

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. И.Сайфиддинов**

**Тошкент – 2018**

## М У Н Д А Р И Ж А

|                |                                                                                                                                          |          |
|----------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------|
|                | <b>КИРИШ. ....</b>                                                                                                                       | <b>3</b> |
| <b>I-БОБ</b>   | <b>ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ҲИСОБ СИЁСАТИНИНГ<br/>МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ</b>                                                                        | <b>8</b> |
| 1.1            | Тижорат банклари ҳисоб сиёсатининг мақсади, вазифалари ва<br>мазмун. ....                                                                |          |
| 1.2            | Тижорат банкларида ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг<br>объектив зарурияти ва вазифалари. ....                                            |          |
| 1.3            | Банкларнинг ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда халқаро<br>стандартлардан фойдаланиш масалалари. ....                                          |          |
|                | I боб бўйича хулоса. ....                                                                                                                |          |
| <b>II-БОБ</b>  | <b>ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ҲИСОБ СИЁСАТИНИНГ<br/>АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ</b>                                                                    |          |
| 2.1            | Тижорат банклари бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш<br>асослари. ....                                                                      |          |
| 2.2            | Тижорат банклари фаолиятини ўзига хос хусусиятларининг<br>бухгалтерия ҳисоби услубиёти ва таҳлилига таъсири. ....                        |          |
| 2.3            | Банкларда молиявий натижаларни ҳисобга олиш ҳамда фойда<br>ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда қўлланиладиган халқаро<br>стандартлар. .... |          |
|                | II боб бўйича хулосалар. ....                                                                                                            |          |
| <b>III-БОБ</b> | <b>ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ҲИСОБ СИЁСАТИНИ<br/>ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ</b>                                                                   |          |
| 3.1            | Тижорат банклари ҳисоб сиёсатидаги мавжуд муаммолар. ....                                                                                |          |
| 3.2            | Тижорат банклари ҳисоб сиёсатини халқаро стандартларга<br>мувофиқ такомиллаштири йўллари. ....                                           |          |
|                | <b>ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР. ....</b>                                                                                                         |          |
|                | <b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати. ....</b>                                                                                            |          |

## КИРИШ

**Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги.** Барчамизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак» номли маърузасида қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: «...«ғалаба рапортлари» ва қилинган ишга доир ҳисоботларга берилмасдан, асосий диққат-эътиборни мавжуд камчиликлар ва уларнинг илдизларини пухта таҳлил қилишга қаратиш зарур. Шунингдек, .... аниқ таклифлар ва муаммоли масалаларга эътибор бериш шарт» (Мирзиёев, 2017).

Шунингдек, Президент томонидан инновацион ғояларга асосланган ривожланиш йўлига ўтиш муҳимлиги тўғрисида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган эди: «Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади» (Мирзиёев, 2017). Шу нуқтаи назардан ёндошилганда, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги 1438-сонли Қарорида тижорат банкларида ҳисоб-китоб ишларини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузишда янгича ёндошувларни шакллантириш ҳамда замонавий технологиялар ва услубларнинг жорий қилиниши, молия-банк ахбороти савияси ва сифатини ошириш, етакчи халқаро рейтинг талабларидан кенг қўламда фойдаланишни таъминлаш вазифаси қўйилгани айни муддао бўлди (ЎРҚ, 2010).

Бундан кўзланган асосий мақсад, тижорат банклари даромадлилигига, ликвидлигига ва тўлов қобилиятига жиддий эътибор қаратишдир. Бу эса, ўз навбатида тижорат банкларида Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МҲХС – IAS, IFRS)ни жорий этиш ва юзага келган

муаммоларни бартараф этиш ҳамда доимий равишда такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилиш, ҳисоб-китобни тўғри олиб бориш ва самарали ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш бевосита банкларнинг кредит бериш имкониятларини оширишда, бўш маблағларни банкларга кўпроқ жалб қилиш ҳисобидан уларнинг инвестиция жараёнидаги иштирокини кенгайтиришда муҳим масала ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам банкларда бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш ва ҳозирги кунда тижорат банклари молиявий ҳисоботларини тузилиши ва жаҳон стандартларига жавоб берадиган ҳисоб тизимини ташкил қилиш мамлакатимиз банк тизими олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлгани учун ҳам долзарб мавзу сифатида илмий ишимизнинг мавзуси танлаб олинди.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Тадқиқот объекти Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ҳисоб сиёсати ҳисобланади.

Тадқиқот предмети тижорат банклари фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби сиёсатини юритилиши ва ташкил этилиши масалалари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари** эса танлаб олинган объект маълумотлари асосида бухгалтерия ишларини ташкил этилганлиги ва унинг ҳозирги аҳволини урганиб хато ва камчиликларини аниқлаган ҳолда банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш бўйича имкон даражасида ўз билимимиз доирасида хулоса ва таклифлар беришдан иборатдир.

Илмий ишимизда олдимизга қўйилган мақсаддан келиб чиқиб унга эришиш учун қўйидаги **вазифаларни бажариш лозим** деб ҳисобладик:

- тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби сиёсатини назарий асосларини ўрганиш;
- тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби сиёсати бўйича меъёрий ҳужжатларини ўрганиш;
- илмий ишимизнинг таҳлил қилиш объектини ўрганиш уни тавсифлаш;

- илмий ишимизнинг объектини маълумотлари асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг мавжуд аҳволини ўрганиш;

-таҳлилий маълумотлар асосида тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби сиёсати бўйича тегишли таклиф ва хулосалар бериш.

### **Илмий янгилиги:**

–Тижорат банкларида ҳисоб сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилди;

–тижорат банкларида даромад ва харажатларни ҳисобга олиш тамойилларини қўллаш бўйича таклифлар берилди;

–банк бухгалтерия ҳисоби вазифалари тизимлаштирилди ва молиявий натижалар ҳисоби вазифалари уларга боғлиқлиги асосланди;

–тижорат банкларида молиявий натижаларни шакллантириш тартибини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар берилди;

–банк фойдаси ва зарари таркиби илмий таҳлил қилиш асосида улар моҳияти очиб берилди;

–ягона вакиллик ҳисобварағи тизимида республикамизнинг ялпи ички маҳсулотини яратилишига қўшган ҳиссасига қараб ҳудудий филиаллар ликвидлилигини ҳамда ушбу бўлинма миқдорлари талабини тўлақонли таъминлаш ва кредит ресурслар таъминотида субъективизмни чеклаш мақсадида ҳудудий ривожлантириш давлат дастурлари ва банкнинг стратегик режасига мувофиқ кредит маблағлар тақсимотини йўлга қўйиш бўйича таклифлар берилди;

–тижорат банкларининг ҳисоб сиёсати бўйича таклифлар берилди.

**Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.** Тадқиқотнинг асосий масалалари тижорат банкларининг ҳисоб сиёсати амалиётини таҳлили саналса, фаразлари тижорат банкларининг ҳисоб сиёсатини такомиллаштиришга оид таклифларни қўллаш имкониятлари ҳисобланади.

**Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили).** Тижорат банкларида ҳисоб сиёсати ва унинг аҳамияти билан боғлиқ масалалар кўпчилик иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг диққат марказида бўлган. Ушбу

масаланинг турли жиҳатларини такомиллаштириш юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини баён қилган, рисола, илмий мақола ва асарлар чоп қилинган.

Тижорат банкларида ҳисоб сиёсати ва унинг аҳамиятини хорижлик олимлардан Л.Г. Батракова, Г.Н. Белоглазова, Ю.Г. Вешкин, Дж. Синки, О.В. Ефимовой, Е.П. Жарковская, Е.П. Козлова, Г.Г. Коробова, О.И. Лаврушина, Д. Мак Нотон, И.В. Пещанская, А.К. Полищук, Я.В. Соколов, Ф. Стивен, А.Д. Шереметларнинг<sup>1</sup> илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Шунингдек, тижорат банкларида ҳисоб сиёсати ва унинг аҳамиятининг айрим жиҳатлари республикаимиз олимларидан Н.Ф. Каримов, У.И. Костаев, Ё.А.Махмудалиева, С.Ш.Юлдашев, З.А.Умаров, Ж.Э.Курбобоев, А.Қ.Қодировларнинг<sup>2</sup> илмий ишларида ўз ифодасини топган. Албатта бу олимларнинг илмий ва услубий ишлари ҳам назарий ҳам амалий аҳамиятга эга. Шу ўринда З.А.Умаров ва Ж.Э.Курбобоевлар олиб борган тадқиқотларни алоҳида эътироф этиш лозим, чунки улар айнан тижорат банкларининг ҳисоб сиёсати ва тижорат банкларининг молиявий фаолияти таҳлили билан шуғулланишган.

---

<sup>1</sup> Батракова Л.Г. Экономический анализ деятельности коммерческого банка: Учебник для вузов. –изд. 2-е перераб. и доп. –М.: Университетская книга; Логос, 2007. - с. 312-328.; Банковское дело. Организация деятельности коммерческого банка: учебник / Г.Н. Белоглазова, Л.П. Кроливецкая, -М.: Высшее образование, 2009. - с. 341-359.; Вешкин Ю.Г., Авагян Г.Л. Экономический анализ деятельности коммерческого банка: учеб. пособие: –М.: Магистр, 2007. – с. 173-201.; Дж. Синки Управление финансами в коммерческих банках. пер. с англ. 4-го переработанного изд./ под ред.Р.Я.Левиты, Б.С.Пинскера. М.: 1994, Catallaxу. - 820 с.; Анализ финансовой отчетности: Учебное пособие / Под ред. О. В. Ефимовой, М. В. Мельник. – М.: Омега – Л, 2004. – 408 с., Жарковская Е.П. Банковское дело.-4-е изд., испр. и доп. - М.: Омега-Л, 2005.- с 377-380.; Козлова Е.П., Галагина Е.Н. Бухгалтерский учёт в коммерческих банках. –М.: Финансы и статистика, 2000. с. 183.; Банковское дело: Учебник/ под. ред. д.э.н. проф. Г.Г. Коробовой. – М.: Экономистъ, 2004. – с. 177-192.; Банковское дело: Учебник. перераб. и доп./ Под ред. О.И. Лаврушина. -М.: КНОРУС, 2008. - с. 233-251.; Диана Мак Нотон, Дональд Дж. Карлсон, Клайтон Таусенд Дитд и др. Организация работы в банках: в 2-х томах. Том 2. Интерприрование финансовой отчетности. Пер. с англ. – М.: Финансы и статистика – 2002. – 240 с.; Пещанская И.В. Организация деятельности коммерческого банка. Учебное пособие –М.: ИНФРА-М, 2001. - с. 320.; Полищук А.К. Банковский учёт и отчетность. – М.: Институт международного права и экономики им. А.С. Грибоедова, 1998. – с. 205; Соколов Я.В. «Основы теории бухгалтерского учёта» -М.: Финансы и статистика, 2000.- с. 441.; Фраст Стивен М. Настольная книга банковского аналитика. Днепропетровск. Баланс Бизнес Букс, 2006 . - с. 533-591, Финансовый анализ в коммерческом банке/ А.Д. Шеремет, Г.Н. Щербакова. – М.: Финансы и статистика, 2000. - с. 60-107.

<sup>2</sup> Костаев У.И. Акциядорлик жамиятларида молиявий натижаларнинг ҳисоби ва таҳлили: 08.00.08. и.ф.н. дисс. ЎзР БМА –Т.: 2002. 174 б.; Махмудалиева Ё.А. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва уни баҳолаш: 08.00.07. и.ф.н. дисс. ТДИУ –Т.: 2001. - 147 б.; Юлдашев С.Ш. Бухгалтерский учет в коммерческих банках Республики Узбекистан. Учебные материалы ИЭО.-1995. -144 с.; Умаров З.А. Тижорат банкларида молиявий натижалар ҳисоби ва таҳлилининг назарий-услубий масалалари: 08.00.08. и.ф.н. дисс. ЎзР БМА – Т.: 2010. Қодиров А.Қ. Коммерческие банки и анализ их хозяйственной деятельности. –СПб.: издательство СПбУЭФ, 1993. -152 с.

Юқорида қайд этилган илмий ишларда тижорат банкларининг ҳисоб сиёсати, уларни бухгалтерия ҳисобида тан олиш, молиявий натижаларни таҳлил қилиш яхлит ҳолда ўрганилмаган. Шунингдек, соҳа олимлари ўртасида ушбу масала бўйича мунозарали баҳсларнинг давом этаётганлиги мазкур муаммоларнинг тўлиқ ҳал этилмаганлигидан далолат беради.

**Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи.** Тадқиқотда тизимли, илмий абстракция, диалектик таҳлил ва синтез, тарихийлик ва мантикийлик, график, эконометрик ва статистик усуллардан кенг фойдаланилади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тижорат банкларида ҳисоб сиёсати ва молиявий натижаларининг услубий асосларини ишлаб чиқишда, келгусида даромад, харажат, фойда ва зарарларни ҳисобга олишнинг меъёрий асосларини такомиллаштиришда, шунингдек, иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртларида, “Банкларда бухгалтерия ҳисоби”, “Банк фаолияти таҳлили” фанлардан назарий ва амалий машғулотларини олиб боришда фойдаланиш мумкин.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот натижалари бўйича 2 та мақолалар тезиси эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Магистрлик диссертацияси кириш, 8 параграфни ўз ичига олувчи 3 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Унинг ҳажми бетдан иборат бўлиб, унда 6 та жадваллар мавжуд.

Магистрлик диссертациясининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, магистрлик диссертациясининг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети, илмий янгилиги, тадқиқот методлари, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг эълон қилинганлиги, магистрлик диссертациясининг тузилиши ва ҳажмига тегишли бўлган масалалар ўз аксини топган.

Унинг “Хулоса” қисмида тадқиқотни амалга ошириш жараёнида чиқарилган хулосалар ва ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар, қисқача тарзда, ўз аксини топган.

## **I-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ҲИСОБ СИЁСАТИНИНГ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ**

### **1.1. Тижорат банклари ҳисоб сиёсатининг мақсади, вазифалари ва мазмун**

Мамлакатимизда 2017 йилдан бошлаб иқтисодиёт соҳасида замон талабларига жавоб берадиган, янгича маъно-мазмундаги, самарали ислоҳотлар амалга оширилмоқда. 2017 йилда ислоҳотларнинг янги босқичи бошланди. Иқтисодиётда ислоҳотлар чуқур аналитик таҳлил ва инновацион ёндашувлар асосида, янги иқтисодий тизимларни яратиш орқали олиб борилаётгани билан жаҳон иқтисодчилари ва экспертларининг эътиборини тортмоқда<sup>3</sup>.

Банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш асоси унинг капитали ва банк фаолияти натижалари бўлган даромадлилик ҳисобланади.

Ҳар бир тижорат банкининг мақсади – ўз даромадларини кўпайтириш ва харажатларини камайтириш ҳисобига, максимал фойда олишдир. Риск даражаси юқори бўлган шароитда тижорат банкларини барқарорлигини таъминлаш учун энг аввало бухгалтерия ҳисобини ташкил этишни тўғри йўлга қўйиш зарур.

Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ва “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг миллий стандартлари (хусусан, Адлия вазирлигида 1998 йил 14 августда 474-сон билан рўйхатга олинган “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботлар” номли 1-сон миллий стандарт), Адлия вазирлигидан 2003 йил 3 сентябрда 1270-сон билан рўйхатга олинган «Банкларнинг ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботи тўғрисида»ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “Халқ сўзи”, 2017 йил 23 декабрь.

*Ҳисоб сиёсати - бу банк томонидан операцияларни баланс ҳисобварақларида акс эттириш, олиб бориладиган ички назорат, шунингдек молиявий ҳисоботларни тайёрлаш, уларни фойдаланувчиларга тақдим этиш ва чоп этиш билан боғлиқ аниқ тамойиллар, асослар, шартлар, қоида ва амалиётлар йиғиндисидир.*

Бухгалтерия ҳисобининг мақсади - фойдаланувчиларни қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган тўлиқ ҳамда аниқ молиявий ва бошқа бухгалтерия ахборотлари билан ўз вақтида таъминлашдан иборатдир.

Бухгалтерия ҳисобининг вазифалари бўлиб банкнинг активлари, мажбуриятлари ҳамда капитали бўйича маблағларнинг ҳаракати, уларнинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ҳамда тўлиқ бўлган маълумотларни бухгалтерия ҳисобварақларида шакллантириш, бухгалтерия ҳисоби маълумотларини жамлаш, молия, бухгалтерия ва солиққа оид ҳисоботларни тўғри ҳамда аниқ маълумотлар асосида шакллантириш, қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган молиявий ҳисоботларни ўз вақтида тайёрлаш ва умумий ахборотларга бўлган фойдаланувчилар кенг доираси эҳтиёжларини белгиланган тартибда қондиришдан иборат.

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини юритишда қуйидаги асосий тамойилларга таянилади:

– *ҳисоблаш тамойили* - хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобида активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, даромадлар, харажатлар ва бошқа шу каби ҳаракатлар юзасидан пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари олинаётган ёки тўланаётган вақтда эмас, балки шу ҳаракатлар содир этилган (ёки ҳақиқатда олинган) пайтда акс эттирилади;

– *ҳисобни икки ёқлама ёзув орқали юритиш* - бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида барча операциялар икки ёқлама ёзув, яъни ҳар бир операция бўйича бир миқдор бир ҳисобварақнинг дебитида бошқа ҳисобварақнинг эса кредитида акс эттирилади;

– *узлуксизлик* - барча банк операциялари улар амалга оширилишидан келиб чиққан ҳолда банк фаолиятининг бутун даври учун рўйхатдан ўтказилади. Бунда, бухгалтерия ҳисоби банк очилишидан то тугатилишига қадар юритилади ва банкнинг фаолияти даврига мос келади;

– *актив ва пассивлар ҳамда хўжалик операцияларининг пулда баҳоланиши* - банк операциялари, воқеалар, активлар ва пассивлар пул (сўм, тийин) ўлчовида ифода этилади. Бунда банк балансининг кўп валютали тизимидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир турдаги валюта бўйича алоҳида баланс шакллантирилади, лекин барча операциялар якуний тарзда йиғма балансда, миллий валюта эквивалентида кўрсатилади;

– *олдиндан кўра билиш (эҳтиёткорлик)* - ҳисоботларда активлар ва даромадларни баҳоланиш охириб ҳамда мажбурият ва харажатларни камайтириб кўрсатишга йўл қўйилмайди;

– *мазмуннинг шаклдан устунлиги* - ҳужжатлар ва ҳисоботларда ахборотлар фақат юридик шаклгагина эмас, балки уларнинг иқтисодий мазмунига мувофиқ акс эттирилади. Ҳисобга олиш ҳужжатларидаги ахборот операция мазмунини тўғри акс эттирган тақдирдагина молиявий ҳисоботга киритилиши мумкин;

– *кўрсаткичларнинг қийсанувчанлиги* - банк фаолияти тўғрисидаги молиявий ахборотлар фойдали ва тўлиқ бўлиши учун улар турли даврлар бўйича ўзаро таққосланиши лозим. Бунда турли даврлардаги молиявий маълумотларни ўзаро таққослашда уларни бир хил усулда ҳисобланганлиги ва бир-бирига мувофиқлигини таъминлаш лозим;

– *молиявий ҳисоботларнинг бетарафлиги* - молиявий ҳисоботлардаги маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш мақсадида уларни тузишда хатоликлардан холи бўлиш ва уларга ҳар қандай таъсир кўрсатилишини олдини олиш лозим;

– *активлар ва пассивларни ҳақиқий баҳолаш* – бу активлар ва пассивларнинг таннархи ёки сотиб олиш қиймати уларнинг ҳақиқий баҳоси

бўлиб ҳисобланишидир. Миллий андозага асосан ҳақиқий баҳолаш алоҳида ҳолатларда сотиб олиш қийматидан фарқ қилиши мумкин;

– *аниқлик* - дастлабки бухгалтерия ҳужжатларидан тортиб то бухгалтерия баланси ҳамда молия ҳисоботининг бошқа шакллари тақдим этилгунга қадар ахборотнинг аниқлиги асосий қоида бўлиб ҳисобланади. Молиявий ҳисоботлардаги маълумот фойдаланувчилар учун аниқ ва очиқ бўлиши шарт;

– *ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг ўзаро мувофиқлиги* - мазкур ҳисобот даври мобайнида олинган даромадларга асос бўлган харажатларни ушбу даврда акс эттирилишини билдиради. Агар харажатлар ва даромадларнинг айрим турлари ўртасидаги бевосита боғлиқликни аниқлаш қийин бўлса, харажатлар тақсимланишининг бирор-бир тизимига мувофиқ улар бир неча ҳисобот даврига тақсимлаб чиқилади. Ушбу бир неча йилга тақсимланадиган амортизация харажатларига ҳам тааллуқлидир.

Бухгалтерия ҳисобидан фойдаланувчилар доираси анча кенгайиб бораётганлиги, интеграция жараёнлари чуқурлашаётганлиги, жаҳон молия бозорига (қимматли қоғозлар биржаларига, халқаро банкларга, фондларга ва бошқаларга) чиқиляётганлиги сармоялар, ишчи кучи ва валютанинг айрим мамлакатлар ўртасида эркин ҳаракатланиши зарурлиги бухгалтерия ҳисоби тизимини жаҳон андозаларига кўчиришни янада қаттиқроқ талаб қилмоқда. Қолаверса, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини халқаро талабларга мувофиқ ўзгартириш кейинги вақтларда Ўзбекистон учун ҳам тобора долзарб вазифага айланмоқда. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида республикада халқаро андозаларга тўла-тўқис мос келувчи бухгалтерия ҳисобининг миллий андозалари ишлаб чиқиши билан ҳисоб сиёсатида катта ўзгаришлар қилинмоқда.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан келиб чиққан ҳолда, ҳисоб сиёсати деганда, тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш учун қабул қилинган усулларнинг йиғмасы тушунилади,

молиявий ҳисобот шу усулларга ва уларнинг қоидалари ва асосларига мувофиқ тузилади, деб таъриф берилади.

Иқтисодий адабиётда у қуйидагича талқин қилинади. Тижорат банкларининг ҳисоб сиёсати-бу тижорат банклари томонидан умум қабул қилинган қоидалар ва ўз фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб эълон қилинадиган бухгалтерлик ҳисобини олиб боришнинг муайян услублари ва шакллариининг мажмуидир.

Тижорат банкларининг ҳисоб сиёсати расмий ҳужжат саналади. Ўзбекистон Республикасининг “Банklar ва банк фаолияти тўғрисида”ги ва “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг миллий стандартлари (хусусан, Адлия вазирлигида 1998 йил 14 августда 474-сон билан рўйхатга олинган “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботлар” номли 1-сон миллий стандарт), Адлия вазирлигидан 2003 йил 3 сентябрда 1270-сон билан рўйхатга олинган «Банklarнинг ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботи тўғрисида»ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ равишда ишлаб чиқилади.

Тижорат банкларида келаси йил учун «Ҳисоб сиёсати» йилнинг охирида тайёрланади. Демак, у банкнинг навбатдаги йилда бухгалтерия ҳисобини олиб бориш бўйича ўзига хос режаси ҳисобланади.

Тижорат банкларининг ҳисоб сиёсати йил мобайнида доимийлик тусида бўлиши керак. Объектив сабабларсиз уни ўзгартириш мумкин эмас. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга биноан, қуйидаги ҳоллардагина тасдиқланган ҳисоб сиёсатига ўзгартиришлар киритиш мумкин:

- Тижорат банклари қайта ташкил этилганда, яъни, қўшилганда ёки ажралиб чиққанда;
- мулк эгалари ўзгарганда;
- давлат қонунлари ўзгарганда;

– ҳисобни олиб боришининг янги шакллари ва усуллари жорий этилганда.

Ҳисоб сиёсатига киритилган барча ўзгартиришлар асосланган бўлиши ҳамда банк раҳбарининг буйруғи ёки фармойиши билан тасдиқланиши керак.

Ҳисоб сиёсати расмий ҳужжат сифатида мажбурий тартибда қуйидаги органлар: юқори турувчи ташкилотга, солиқ инспекциясига, Марказий банкка, ижтимоий суғурта, статистика бошқармаси идораларига топширилади.

У сўров ва талаб бўйича прокуратура, суд ва арбитраж органларига, инвесторлар, акциядорлар, кредит берувчилар, аудиторлик фирмаси ва бошқа фойдаланувчиларга ҳам тақдим этилиши мумкин. Ҳисоб сиёсати банк ходимлари учун очиқ бўлиши лозим.

Банк ҳисоб сиёсатидан фойдаланувчи ҳар бир шахс ўз мақсадлари йўлида уни ўрганади ва фойдаланади. Масалан, солиқ инспекцияси ундан солиқлар бўйича тақдим этилган ҳисоб-китобларнинг ишончлилигини, банкларда уларни ҳисобга олиб боришнинг тўғрилигини назорат қилиш мақсадларида фойдаланади. Банклар учун эса, ҳисоб сиёсати нақда ва нақдсиз ҳисоб-китоблар, касса операцияларини олиб бориш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш учун керак. Аудиторлик фирмаси ҳисоб сиёсати қандай тузилганлиги, шунингдек, банклар томонидан унга риоя этилиши даражаси ҳақида хулоса беради.

Шундай қилиб, тижорат банклари ҳисоб сиёсати молиявий ҳисобнинг назарий, услубий, техник, ташкилий томонларини қамраб олади.

Назарий қисм молиявий ҳисобнинг асосий қоидалари, низомлари ва илмий қоидаларини ўз ичига олади.

Ҳисобнинг услубий томони мулк ва мажбуриятларни баҳолашнинг усуллари, мулкнинг турли кўринишлари бўйича амортизацияни ҳисоблаб ёзиш усуллари, фойда, даромадни ҳисоблаб чиқариши услублари ва ҳақларни назарда тутди.

Ҳисобнинг техник томони молиявий ҳисобни олиб боришнинг шакли (қўлланилажак бухгалтерлик регистрлари тизими)ни бухгалтерлик хизматининг ташкилий тадбирларини, унинг бошқарув тизимидаги ўрни бу тизимнинг бошқа элементлари ва бўғинлари билан ўзаро алоқаси ва ўзаро таъсири, бўлинмалар билан бозор иқтисодиётнинг юзага келиши ва шаклланиши учун хос бўлган ўзаро алоқаларни ўз ичига олади.

Ҳисоб сиёсатининг техник жиҳатини янада ойдинроқ ёритадиган бўлсак, унинг техник аспектига қуйидаги масалалар киритилади:

-марказлаштирилган ҳисобварақлар режаси асосида ишчи ҳисобварақлар режасини ишлаб чиқиш;

-бухгалтерия ҳисобининг шакллари танлаш;

-бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар айланиши;

-мулк ва мажбуриятни инвентаризация қилиш;

-ички ишлаб чиқариш ҳисоботи.

Ҳисоб сиёсатининг ташкилий аспектида бухгалтерия ҳисобининг ечилиши зарур бўлган масалалари қуйидагилардан иборат:

-бухгалтерия хизматининг ташкилий шакллари;

-бухгалтерия хизматининг таркиби ва ҳисобни марказлаштириш даражаси;

-банк операцияларини алоҳида балансга ўтказиш.

Юқорида учта гуруҳга кирувчи муаммоларнинг энг оптимал равишда ҳал қилиниши банк ҳисоб сиёсатининг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлайди. Чунки ҳисоб сиёсатининг дастлабки босқичи ёки унинг услубий аспектида бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаси, яъни у бажариши зарур бўлган ёки ҳал қилиб бериши лозим бўлган ҳисоб жараёнлари кўрсатилган бўлса, ҳисоб сиёсатининг иккинчи босқичида ушбу вазифаларни амалга ошириш учун зарур техник усуллар белгилаб берилади.

Иккинчи босқичда биринчи босқичда белгилаб берилган вазифаларни бажариш учун технологик жараён ишлаб чиқилади.

Учинчи босқичда, яъни ҳисоб сиёсатининг ташкилий аспектида ушбу технологик жараённи бажарувчи ижрочилар ва уларнинг хизмат вазифалари аниқ белгиланиши зарур.

Тижорат банклари мустақил равишда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг у ёки бу шаклини топмайди. Ҳар қандай шароитда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва унинг аҳволи учун жавобгарлик тижорат банкларининг бош бухгалтери зиммасига юклатилади. Чунки бухгалтерия ҳисобини юритиш учун зарур бўлган шароитлар ва унинг қонуний-норматив базасининг моддий жиҳатларини таъминлаш, мутахассислар ва бош бухгалтерни танлаш ва тайинлаш корхона раҳбарининг зиммасига юклатилади.

Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ҳамда ҳисобот тузиш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 апрелдаги охириги ўзгартиришлар билан қабул қилинган ва тасдиқланган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинади. Башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларда ушбу қонунда баён қилингандан кўра бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартномалар қоидалари қўлланилади.

## **1.2. Тижорат банкларида ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг объектив зарурияти ва вазифалари**

Ҳисоб сиёсати бажарилиши лозим бўлган тамойиллар ва қоидалар йиғиндиси асосида шаклланади. Бундай тамойил ва қоидаларнинг мавжудлиги бозор иқтисодиёти шароитида молиявий ҳолати тўғрисида тўла ва ҳаққоний маълумотларни шакллантириш, тадбиркорларнинг ўзаро мулоқот воситаси сифатида намоён бўлиши, макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимининг асосий қисми бўлган бухгалтерия ҳисобининг мақсад ва вазифалари билан тушунтирилади. Тамойиллар ва қоидалар ҳисоб сиёсатини

ишлаб чиқиш жараёнида тижорат банкларида ҳисоб тизими қурилишининг меъёрларини ўрнатади.

Умумий қоида ва тамойиллар, бухгалтерия ҳисоби тизимини назорат қилувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар орқали ўрнатилган. Тижорат банклари ҳисоб сиёсатининг бош мақсади - ўзининг фаолиятини юқори савияда ташкил этиш, фаолияти тўғрисида тўла объектив ва ҳаққоний ахборотни шакллантириш, натижада бу фаолиятни самарали тартибга солиб туришдир.

Ҳисоб сиёсатини танлаш ва қўллашда бухгалтерия ҳисобининг асосий талабларидан (тамойилларидан) келиб чиқиши керак. БҲМС 1-сонга мувофиқ асосий тамойиллар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: ҳисоблаш тамойили; ҳисобни икки ёқлама ёзув орқали юритиш; узлуксиз хўжалик операциялари; активлар ва пасивларни пул кўринишида ифодалаш; ҳаққонийлик; огоҳлик; шаклдан мазмуннинг устунлиги; кўрсаткичларнинг мослиги; молиявий ҳисоботнинг нейтраллиги; активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқатда баҳоланиши; ҳисобот даври фойда ва зарарларининг мослиги; тушунарлилик; аҳамиятлилик; ҳаққоний тақдим қилиниши; тугатилганлик; тартиблилик; ўз вақтида тақдим қилишлик; оффсетнинг(моддаларнинг ўзаро боғлиқлиги); объективлик.

Ҳисоб сиёсатини шакллантиришда Ю.М.Иткин қуйидаги тамойиллардан келиб чиқиш зарурлигини таъкидлайди: мол-мулк ҳолислиги; мунтазамлилик; кетма-кетлик; муваққат аниқлик; тўлиқлик; эҳтиёткорлик; мазмуннинг шаклдан устуворлиги; бир хиллик; қопламаслик; фойдалилик; нейтраллик.(42,52-53 бетлар). Бу келтирилган тамойилларга муаллиф қўшилади. Аммо булардан ташқари ҳисоб сиёсатини шакллантириш жараёнидаги тамойиллар ҳам мавжуд ва бу миллий стандартда кенгроқ ўз аксини топган.

Шаклланаётган ҳисоб сиёсати олдидаги вазифалар, кўп жиҳатдан банк ривожланишининг тактик ва стратегик йўналишларига боғлиқ. Шу боис, бизнинг фикримизча, ҳисоб сиёсати банклар томонидан қабул қилинган ҳисоб ва молиявий стратегия асосида шаклланиши лозим.

Ҳисоб стратегияси деганда, бухгалтерия ҳисобини юритиш соҳасидаги ва молиявий стратегияни амалга оширишни узок даври мобайнида ҳисоботни тузиш воситалари ва мақсадларини белгилаб берувчи стратегия тушунилади.

Ҳисоб стратегиясининг асосий мазмунини стратегик мақсадлар шунингдек, ҳар йили ҳисоб сиёсатини шаклланишининг қоида ва тамойилларини аниқлаб олиш ташкил этади.

Ҳисоб стратегиясининг вазифалари:

- аниқ йўналишлар бўйича бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг муайян усуллари қайд этиш;
- бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги андозалар ва амалдаги меъёрий тартиблардан келиб чиққан ҳолда, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг янги усуллари ишлаб чиқиш ва қўллаш;
- банкларда ҳужжат айланмаси, ҳисоб регистрларининг янги тизими, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг компьютер тизимини жорий қилишнинг вақтинчалик графигини белгилаш.

Ҳисоб стратегияси ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва тартибга солишнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Ҳисоб стратегиясига банк ҳисоб сиёсатининг ҳаракатини белгилаб берувчи, деб таъриф бериш мумкин. Ҳисоб стратегияси ҳисоб сиёсатидан, фарқли равишда банк ҳисоб фаолиятининг стратегик жиҳатларини қамраб олади ва узок муддатли амал қилиш характериға эға.

Ҳисоб стратегиясининг асосий элементларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- 1) амортизация (эскириш ҳисоблаш) стратегияси:
  - бир маромда эскириш ҳисоблаш стратегияси;
  - бажарилган иш ҳажмиға мутаносиб ҳолда эскириш ҳисоблаш стратегияси;
  - тезкор эскириш ҳисоблаш стратегияси.
- 2) хўжалик воситаларини баҳолаш ва уларни жойлаштириш стратегияси.

- 3) молиявий натижаларни баҳолаш стратегияси.
- 4) хўжалик фаолияти натижаларини акс эттириш стратегияси.
- 5) ҳисоб ва ҳисобот маълумотларини уйғунлаштириш стратегияси.
- 6) бухгалтерия хизматини ташкил этиш стратегияси.
- 7) ҳисоб маълумотларини қайта ишлашнинг ахборот технологиялари соҳасидаги стратегия.

Бизнингча, ҳисоб стратегияси функционал белгилари бўйича молиявий стратегия таркибига киритилади, бу билан у бошқа стратегиялардан фарқ қилмайди. Шу билан бирга, молиявий стратегияда у муҳим ўрин тутди.

Ҳисоб таъминоти вазифасини бажарувчи ҳисоб стратегияси, молиявий стратегия тизимида марказий ўринни эгаллайди, чунки у:

- 1) стратегия сифатида мустақил амал қилади;
- 2) тижорат банкларининг стратегик асоси ҳисобланган ҳисоб-аналитик базани шакллантиради;
- 3) бошқа соҳалар учун ҳам ишлайди.

Шунинг учун, маълум бир вақт оралиғида ҳисоб стратегияси варианти ва бунга мос равишда ҳисоб сиёсатини танлаб олиш, имкон қадар тижорат банкларининг умумий молиявий-иқтисодий стратегияси билан боғлиқ бўлиши лозим, у эса қуйидагича йўналтирилади:

- 1) оддий шароитларда-узоқ муддатли барқарор ривожланиш ва фойда олиш, ҳиссадорларга дивиденд тўлаш ва ходимлар эҳтиёжларини қондириш;
- 2) қатъий кредит сиёсати, инфляция ва солиққа тортиш даражасининг юқорилиги шароитида - харажат ва солиқ тўловларини оқилона асосга келтириш.

Ҳисоб сиёсати Ўзбекистон Республикасидаги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда баён этилган, умум эътироф қилинган тамойиллар асосида ташкил этилади. Умуман олганда, тижорат банклари ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозаларига мос келади ва Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олади. Ҳисоб сиёсатини давлат томонидан тартибга солишда молиявий стратегияни танлаб

олиш жараёнида давлат таъсирининг қатор йўналишларидан бири намоён бўлади.

Молиявий стратегияни амалга ошириш доирасида банклар ҳисоб сиёсатининг вазифалари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. молиявий ҳисоботнинг халқаро андозаларига мос равишда бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш дастурининг талаблари мос келиши;

3. инвестиция ресурсларини жамлаш, солиқ тўловларини камайтириш учун, амалдаги қонунчилик доирасида, солиққа тортиладиган фойда миқдорини камайтириш;

4. амалдаги қонунчилик доирасида, тижорат банклари молиявий ҳолатини яхшилаш учун фойда миқдорини ошириш;

5. ички назоратнинг самарали тизимини яратиш.

Турли даврларда сармоядорлар ва бошқа шахслар ўз мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, барқарор фойда олиш ёки уни тебраниб туришидан манфаатдор бўлиши мумкин. Шу боис, солиқ, молия-кредит ва банк қонунчиликларининг ўзгариши, молиявий-хўжалик фаолиятининг муайян шароитларига боғлиқ ҳолда ҳисоб сиёсатига тузатишлар киритиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ҳисоб сиёсатини амалга оширишнинг асосий элементлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1) ҳисоб сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш;

2) буйруқ бўйича ҳисоб сиёсатини расмийлаштириш;

3 бухгалтерия ҳисоби сиёсатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

5) тижорат банкларининг йиллик бухгалтерия ҳисоботида ҳисоб сиёсатини акс эттириш;

6) ҳисоб сиёсати танловини асослаш ва баҳолаш учун одилона аудиторлик назорати;

7) ҳисоб сиёсатини қайта кўриб чиқиш мумкинлиги.

Шундай қилиб, ҳисоб стратегияси ва ҳисоб сиёсатини танлаб олишнинг тўғри йўлга қўйилган ҳисоб таъминоти солиқ хатарини камайтиради. Бунда

солиқ имтиёзлари тижорат банклари фаолиятини белгилаб берувчи омил бўлмаслиги керак, айнан стратегик молиявий жиҳатлари асосий ҳаракатлантирувчи куч бўлиши лозим. Ҳисоб стратегияси ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва тартибга солишнинг асоси ҳисобланади. Ҳисоб стратегиясига ҳисоб сиёсатининг ҳаракатини белгилаб берувчи, шунингдек ҳисоб фаолиятининг стратегик жиҳатларини камраб олувчи ва узоқ муддат давом этувчи хусусиятга эга, деб айтишимиз мумкин.

Ҳар қандай ҳодиса каби ҳисоб сиёсатида ҳам маълум муаммолар мавжуд. Ҳозирнинг ўзидаёқ, ҳисоб сиёсатини қўллаш амалиёти, уни амалга ошириш натижасида вужудга келувчи икки гуруҳ масалалари мавжудлигидан далолат берди. Биринчи гуруҳ муаммоларини ҳал қилишда меъёрий базадаги тегишли асосламани топиш лозим; агар амалдаги йўриқномаларни кўп ҳолларда зиддиятли характерга эгаллиги инобатга олинмаса, уни етарли даражада объектив хусусият касб этади деб эътироф этиш мумкин. Иккинчи гуруҳ муаммоларини ҳал қилиш учун эса меъёрий базада асоснома ва рухсатнома мавжуд эмас. Бунда мутахассислар иқтисодий мантиқ ва ўз фикрига асосланиб, таваккалчиликка йўл қўядилар, чунки қарорлар қабул қилишнинг бу соҳасида кучли субъектив омил таъсир кўрсатади ва ўз қарорини текширувчи органлар олдида ҳимоя қилиш муаммоли тарзда кечади.

### **1.3. Банкларнинг ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда халқаро стандартлардан фойдаланиш масалалари**

Республикамиз тижорат банкларида, жумладан тадқиқот объекти бўлган АТБ «Халқ банки»да молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари қўмитаси томонидан тавсия этилган қуйидаги стандартлардан банк активларини ҳисобга олиш жараёнида фойдаланилади, жумладан: МҲХС №16 Асосий воситалар, МҲХС №36 Активларнинг қадрсизланиши, МҲХС №40 Инвестицион мулк, МҲХС №17 Ижара, МҲХС №38 Номоддий активлар, МҲХС №32 Молиявий дастаклар, МҲХС №21 Валюта курсидаги ўзгаришлар ва бошқалар. Мазкур стандартларда банк активларининг

баҳоланиши, уларни тан олиш, киримга олиш, ҳисобдан чиқариш, амортизация ҳисоблаш, курсдаги фарқлар ва уларни молиявий натижаларга олиб бориш тартибини ёритиб беришда қўлланилади.

Лекин шундай бўлсада, АТБ «Халқ банки»да қўлланилаётган юқоридаги стандартлар билан Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларда тафовутлар мавжуд. Бу, Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби соҳасида ўтказилган ислохотларга қарамадан, ҳали бухгалтерия ҳисобига континентал модел бўйича ёндошиш, яъни қатъий қонунчиликка асосланган ҳисоб юритиш қоидалари сақланиб турганлигида намоён бўлмоқда. Табиийки, МҲХС талаблари Континентал моделдан катта фарқ қилади.

Марказий банк ва Жаҳон банки мутахассислари ҳамкорликда олиб борган таҳлилий ишлар натижасида республика банк тизимида қўлланилаётган Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларидаги бухгалтерия ҳисоби ва пруденциал талаблар билан амалдаги МҲХС ўртасида катта фарқлар мавжудлиги аниқланди. Улар ўртасидаги асосий номувофиқликлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Активлар қадрсизланишининг баҳоланиши;
- Облигацияларга ва улушли инструментларга қўйилган инвестицияларни баҳолаш;
- Кредитлар бўйича комисион ҳақнинг тан олиниши ва баҳоланиши;
- Муддати узайтирилган солиқлар;
- Жамлаш (консолидация).

Масалан, активлар қадрсизланишининг баҳоланиши Марказий банкнинг «Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари томонидан улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш Тартиби»да (1999 йил 11 февраль, рўйхат рақами 632) белгиланган талаблар асосида амалга оширилади.

**Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартлари талабларига  
умумий ёндошувлар**

| <b>Кўрсаткичлар</b>                                                   | <b>Ўзбекистонда</b>                                                                                                                                     | <b>МҲХСда</b>                                                                                                                       |
|-----------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Ҳукукий асос                                                          | Рим-прусс ҳуқуқчилигига асосланган Фуқаролик ҳуқуқчилиги                                                                                                | Прецедент ҳуқуқчилигига асосланган Умумий ҳуқуқчилик                                                                                |
| Ҳукукий тизим                                                         | Ҳар бир ҳолат ёки ҳар бир ходисани аниқ қоидалар билан тартибга солувчи катта қонунчилик тўпламининг мавжудлиги, жумладан Фуқаролик ва Солиқ кодекслари | Ишни биридан бошқасига ўтишни (прецедент) муҳокама қилиш жарёнида ривожланадиган ҳуқуқий тизим                                      |
| Тартибга солувчи органлар                                             | Давлат органлари (Молия вазирлиги, Марказий банк)                                                                                                       | Мустақил касбий уюшмалар (IASB)                                                                                                     |
| Капиталнинг шаклланиш усули                                           | Давлат, кредиторлар, акциядорлар                                                                                                                        | Майда акциядорларнинг кенг қатлами                                                                                                  |
| Молиявий ҳисоботни солиқ қонунчилиги билан боғлиқлиги                 | Кучли                                                                                                                                                   | Кучсиз                                                                                                                              |
| Молиявий ҳисоботни тузишга малакавийлик ва давлат назорати            | Молиявий ҳисоботни тузиш давлат томонидан кучли назоратга олинади                                                                                       | Молиявий ҳисоботни тузишда касб мутахассисларининг малакавий муҳокамасига асосланади                                                |
| Ҳисобварақлар режаси ва молиявий ҳисоботлар шаклига қўйилган талаблар | Ҳисобварақлар режаси ва молиявий ҳисоботлар шакли, шунингдек, ҳисобот даври бўйича ҳаммага бир хил талаб ўрнатилган                                     | Ҳисобварақлар режаси ва молиявий ҳисоботлар шакли, шунингдек, ҳисобот даври касб мутахассисларини малакавий муҳокамасига асосланади |
| Фонд бозори                                                           | Кучсиз ривожланган                                                                                                                                      | Деярли жаҳондаги барча фонд бозорлари                                                                                               |

Молиявий активлар ҳисобини белгиловчи МҲХСнинг 39-сонли «Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш» стандартида активларнинг қадрсизланиши бўйича аниқ нормалар ўрнатилмаган. МҲХСнинг қадрсизланиш бўйича тегишли қоидаларининг таъсири турли банкка турлича бўлади, чунки бу уларнинг кредит портфелларининг таркибига ва улар берадиган маълумотнинг турига боғлиқ. Активлар ҳаққоний қийматда баҳоланганда, фойда ёки зарар фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга ёки резервларга таъсир қилиши мумкин. Агарда амортизацияланган қийматда баҳоланган молиявий активлар бўйича

кадрсизланиш зарари мавжудлиги тўғрисида объектив далил мавжуд бўлса, кўрилган зарар суммаси молиявий активнинг баланс қиймати билан унинг дастлабки эффектив фоиз ставкаси бўйича келгуси пул оқимларининг дисконтлаган ҳолда баҳоланган қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Марказий банкнинг «Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида Низом» (2004 йил 24 январь, рўйхат рақами 1304) қоидалари ҳам Базель 1 талаблари асосида ўрнатилган бўлиб, МХХС талабларидан фарқ қилади. Маълумки, 1304-сонли Низомга асосан банклар кредитлар, қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий активлар бўйича фоизлар ҳисоблашни қуйидаги ҳолларда тўхтатади:

- актив Марказий банкнинг норматив ҳужжатларига кўра қониқарсиз, шубҳали ва умидсиз тоифалар бўйича таснифланганда;
- актив МХХС бўйича кадрсизланганда;
- қисқа муддатли кредитлар бўйича асосий суммани қайтариш ва актив бўйича ҳисобланган фоизлар тўлов муддати 60 кундан кечиктирилганда;
- узоқ муддатли кредитлар бўйича асосий суммани қайтариш ва актив бўйича ҳисобланган фоизлар тўлов муддати 90 кундан кечиктирилганда.

## 1.2-жадвал

### Марказий банкнинг активларни таснифлаш ва заҳираларни шакллантириш бўйича қоидалари

| Заҳираларни шакллантириш бўйича мезонлар | Марказий банкнинг пруденциал қоидаларига биноан заҳираларни шакллантириш |
|------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------|
| Умидсиз                                  | 100%                                                                     |
| Шубҳали                                  | 50%                                                                      |
| Қониқарсиз                               | 25%                                                                      |
| Субстандарт                              | 10%                                                                      |
| Стандарт                                 | 1%                                                                       |

Активга нисбатан «Фоизлар ўстирмаслик» мақоми берилгандан сўнг, мазкур актив бўйича ҳисобланган фоизлар суммаси қайтадан даромаддан чиқарилади ва кейинги фоиз ҳисоблашлар балансдан ташқари ҳисобварақларда олиб борилади.

АТБ «Халқ банки»да «Одатдаги фаолиятдан олинадиган даромад» МҲХС-18 бўйича, даромад бўлғуси иқтисодий фойданинг олиниш эҳтимоли мавжуд бўлганида ва ушбу фойда ишончли даражада баҳоланиши мумкин бўлганда тан олинади. Агар иқтисодий фойданинг олиш эҳтимоли мавжуд бўлмаса ёки паст бўлса, ва олдин даромад сифатида тан олинган сумманинг келиб тушиш эҳтимоли бўйича ноаниқликлар вужудга келса, ўша сумма харажат сифатида тан олинади. Даромадга тузатишлар киритилмайди.

Худди шундай зиддиятлар кредитлар бўйича воситачилик ҳақларини ҳисоблашда ҳам мавжуд. Хусусан, «Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисида Низом»га (рўйхат рақами 1435, 2004 йил 17 декабрь) мувофиқ, кредит бўйича воситачилик ҳақлари олдин муддати кечиктирилган даромадга олиниб, сўнгра кредитнинг муддатга мос равишда банкнинг «Кредитлар бўйича воситачилик даромадлари» ҳисобварағига олиб борилади. МҲХСга биноан, кредит шартномаси билан боғлиқ барча хатарлар каби комиссион ҳақлар ҳам капиталлаштирилиши ва тегишли кредитларнинг сўндириш муддати давомида амортизация қилиниши лозим.

МҲХСнинг молиявий инструментларни баҳолаш стандарти, БҲХС 39-«Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш» банкдан қарз ва улушли инструментларга жойлаштирилган молиявий инвестицияларни 4 тоифага ажратишни талаб қилади. Ҳар бир тоифанинг ҳисобга олинишига ёндошуви бир-биридан фарқ қилади. Инвестициялар ҳаққоний қийматда ёки таннархда баҳоланиши мумкин.

Актив ҳаққоний қийматда баҳоланганда, ундаги ўзгаришлар фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот ёки заҳираларда ўз аксини топади. МҲХС-39 «Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш»нинг қадрсизланиш бўйича талабларининг таъсири шундан иборатки, бу банкларнинг молиявий ҳисоботларида заҳираларни аниқ белгиланган нормаларига асосланган ҳолда эмас, балки ҳақиқатда кўрилган зарарларга асосланган ҳолда шакллантиришни кўзда тутди.

«Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Йўриқномага (рўйхат рақами 1434, 2004 йил 17 декабрь) мувофиқ, банклар МҲХСда рухсат берилган бир неча усулларда амортизация ишларини амалга оширишлари мумкин. Лекин банклар асосий воситалар амортизациясини фақат тўғри чизикли усулда, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 144-моддасида белгиланган меъёрларга қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширишга мажбур. Бундан ташқари, 1434-сонли Низомда ўрнатилган асосий воситаларни мажбурий қайта баҳолаш МҲХС қоидаларига тўла зиддир. Бундан ташқари, миллий қонунчиликка мувофиқ асосий восита тўла амортизация қилингандан сўнг, ундан яна фойдаланишга қарор қилинган ҳолларда амортизация қилиш тўхтатилади. МҲХСга мувофиқ эса, бундай ҳолларда асосий воситанинг хизмат қилиш муддати қайта кўриб чиқилади.

МҲХС билан солиқ қоидалари ўртасида ҳам фарқлар мавжуд. Аслида, бундай фарқлар ҳар доим мавжуд бўлади. Республика банк тизимида солиқ қоидаларидан айрим ҳолларда молиявий ҳисоботларни тайёрлаш мақсадида фойдаланилади. Бу халқаро амалиётга мос келмайди, чунки молиявий ҳисоботлар бухгалтерия ҳисоби стандартларига асосланган бўлиши керак ва солиқ қоидаларидан фақат солиқ органларига солиққа оид молиявий ҳужжатларни топширишда фойдаланилади. Марказий банкнинг амалдаги қоидалари банкнинг солиқ мажбуриятларини ҳисоблаш учун бухгалтерия ҳисобига тузатиш киритилишини талаб қилмайди. Натижада фарқлар пайдо бўлиши мумкин, чунки солиқ мажбурияти тегишли операция тўғрисида ахборот берилган даврдан бошқа даврда вужудга келади.

Масалан, жами солиқ суммаси АТБ «Халқ банки»нинг тегишли давр бўйича молиявий ҳисоботига асосланиши учун жорий солиқ харажатларига ўзгартириш киритиш талаб этилиши мумкин. Бундай ўзгартириш МҲХСда солиқ активлари ва/ёки мажбуриятларини тан олиниши деб аталади. Лекин АТБ «Халқ банки»га солиқ солиш қоидалари миллий қонун ҳужжатларига, аввало Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Марказий банкнинг юқоридаги норматив ҳужжатлари талаблари асосида амалга оширилади. Агар, АТБ «Халқ банки»

МХХС талаблари бўйича кредитларни баҳолашса ва заҳиралар шакллантирсалар ва уларнинг миқдори Марказий банкнинг 632-сонли Тартибида белгиланган нормалардан кўп бўлса, табиийки, бу солиқ қонунчилигига зид бўлиб қолади.

Кўриниб турибдики, Марказий банкнинг норматив ҳужжатлари қоидалари билан МХХСдан анча фарқ қилади. Ҳисоботлар тарихий қийматда эмас, ҳаққоний қийматда тузилиши, бунда, пулнинг вақт давомидаги қийматидан фойдаланиш лозим. Бундан ташқари, республика банк тизимида пруденциал назорат бўйича ҳали Базел I талаблари қўлланилмоқда. Базел қўмитаси томонидан чоп этилган, қайта кўриб чиқилган Базел асосий тамойиллари бевосита ёки билвосита корпоратив бошқарув, молиявий ҳисобот, аудит ва шаффофлик билан боғлиқ бўлган тўрт принципларни ўз ичига олади.

Марказий банкнинг қоидалари ва амалиётлари бу тамойиллар билан фақат қисман ҳамоҳанг. Масалан, Марказий банк аудиторлик қўмитасининг вазифалари, бошқарув раҳбариятининг тажрибаси, ички аудитнинг вазифалари ва молиявий ҳисоботларнинг чоп этилиши ва бухгалтерия ҳисобининг юритилиши бўйича қоидаларни тўғри ўрнатган.

Лекин шаффофлик, ошкоралик, халқаро тан олинган молиявий ҳисоботлар, кенгаш аъзолари ва раҳбариятнинг тажрибаси ва билимлари масалаларида номувофиқликлар мавжуд.

Марказий банк қоидалари Базел асосий принципларига тўла мос келишини таъминлаш учун янгиланиши ва уларни амалда қўллаш учун мукамаллаштириш талаб этилади.

Жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси-нинг банк тизимида молиявий ҳисоботни такомиллаштириш: Мамлакат стратегияси ва чора-тадбирлар режаси»да Марказий банк МХХСни банк тизимида ўзбек тилидаги расмий варианты асосида жорий этишини таъминлаш, Марказий банк у томонидан чиқарилган низом ва йўриқномаларни пруденциал мақсадларда қайта кўриб чиқиши ва келгусида Марказий банк бирорта ҳам бухгалтерия ҳисобига доир низомни ишлаб чиқармаслиги таклифи берилган.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат  
банкларини МХХСга мувофиқлаштириш бўйича амалга оширилган  
чора-тадбирлар (Марказий банк 2015)**

| Т/р | Ўтказилган тадбирлар номи                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                |
|-----|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1.  | Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан Жаҳон банки ўртасида тузилган «Банк тизимида молиявий ҳисоботлар ва аудитни такомиллаштириш лойиҳаси» 2012 йилнинг 30 августида ўз ишини бошлади.                                                                                                                                                                             |
| 2.  | 2013 йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия Вазирлиги, Жаҳон банки ва Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари Фонди ўртасида МХХСни ўзбек тилига расмий таржима қилиш бўйича муаллифлик ҳуқуқи беришга шартнома имзоланди. 2013 йил давомида Жаҳон банки мутахассислари томонидан «Банк соҳасида молиявий ҳисоботлар ва аудитни такомиллаштириш» мавзусида Марказий банк ходимлари, барча тижорат банклари бош бухгалтерлари, Ўзбекистон бухгалтерлари ва аудиторлари Миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Аудиторлар палатаси ходимлари учун тўрт марта ўқув семинарлари (23-24 январь, 27-28 февраль, 20-25 апрель ҳамда 12-16 ноябрь кунлари ) ўтказилди. |
| 3.  | Юқорида кўрсатилган ПҚ-1438-сонли Қарор ижросини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Жаҳон банки билан тузилган «Банк тизимида молиявий ҳисоботлар ва аудитни такомиллаштириш лойиҳаси»да белгиланган вазифалар доирасида, 2013 йилнинг 12-16 ноябрь кунлари Жаҳон банки мутахассислари томонидан Марказий банк ходимлари, барча тижорат банклари бош бухгалтерлари, ЎБАМА, ЎЗАП ходимлари учун БМАда «Банк соҳасида молиявий ҳисоботлар ва аудитни такомиллаштириш» мавзусида семинар ўтказилди.                                                                                                                                                                 |
| 4.  | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Жаҳон банки билан тузилган «Банк тизимида молиявий ҳисоботлар ва аудитни такомиллаштириш лойиҳаси»да белгиланган вазифалар доирасида Жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг банк тизимида молиявий ҳисоботни такомиллаштириш: Мамлакат стратегияси ва чора-тадбирлар режаси» (кейинги ўринларда «Стратегия» деб юритилади) 2013 йил 23 октябрда 0382/13-сонли хат орқали Республика Марказий банкига ва тегишли вазирликларга тақдим этилган.                                                                                                                                                                       |
| 5.  | Марказий банкнинг 2013 йил 11 февралда 164 ва 165-сонли фармойишларига асосан тузилган ишчи гуруҳи аъзолари билан 2013 йил 21 ноябрь куни тақдим этилган Стратегия лойиҳасининг муҳокамаси бўйича Жаҳон банки мутахассислари (А.Бусуйок, Ш.Дайоуман) иштирокида учрашув ўтказилди. Учрашувда Стратегия лойиҳаси ва МХХСни жорий этиш масаласи кенг ва атрофлича муҳокама қилинди ва Стратегия лойиҳаси юзасидан Марказий банк таклифлари Жаҳон банк вакилларига тақдим этилган.                                                                                                                                                                                                          |
| 6.  | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, ЎБАМА ҳамда МХХС Фонди ўртасидаги тузилган шартномага асосан ЎБАМА томонидан амалга оширилган МХХСнинг давлат тилидаги таржима лойиҳаси ЎБАМAnинг 2013 йил 24 декабрдаги 220-сонли хати билан Марказий банкка кўриб чиқиш ва хулоса бериш учун тақдим этилди. МХХСнинг давлат тилидаги таржимаси лойиҳаси юзасидан 2014 йил 24 январда 15-18/100-сонли хат орқали Марказий банкнинг таклиф ва эътирозлари ЎБАМАга юборилган.                                                                                                                                                                                                    |

|    |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          |
|----|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 7. | Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциациясининг 2014 йил 10 февралда 33-сонли хатига Марказий банк томонидан жорий йилнинг 21 феврал куни 15-18/264-сонли хат орқали жавоб юборилди. Ушбу жавоб хатида МХХСни ўзбек тилидаги таржимаси ЎБАМАНинг 2013 йил 6 мартдаги 14/а ва 15/А-сонли буйруклари билан ташкил этилган Қўмитанинг расмий қарори билан тасдиқланиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг тегишли хулосаси олингандан сўнг, Марказий банк томонидан мазкур МХХСнинг ўзбек тилидаги таржимаси меъёрий ҳужжат сифатида тасдиқланиши ва амалиётга жорий этилиши бўйича чоралар кўрилиши лозимлиги билдирилган.                                                                                                                                                                                    |
| 8. | Ўзбекистон бухгалтерлари ва аудиторлар Миллий Ассоциациясининг 2014 йил 18 мартдаги 53-сонли хат билан тақдим этилган МХХСнинг давлат тилидаги таржимаси амалиётга татбиқ этиш юзасидан тегишли Департамент ва мустақил бошқармаларга юборилди. Шунингдек, Ўзбекистон Банклари уюшмасида шу йилнинг 8 сентябрида «Делойт ва Туш» аудиторлик ташкилоти томонидан «Ўзбекистон Республикаси банклари ва молия институтларида бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш масалалари» мавзусида семинар ўтказилди. Ушбу семинарда МХХС талаблари асосида молиявий ҳисобот тайёрлаш, банк тизимида солиққа тортиш, кредит таваккалчилиги ва кредит амалиётларини автоматлаштириш жараёни, корпоратив бошқарувни жорий қилиш ва такомиллаштириш ҳамда корпоратив мижозларга қўшимча молиявий хизматларни кўрсатиш каби долзарб масалалар кўриб чиқилган. |

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунининг 5-моддаси учинчи қисмида банкларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши белгиланган.

Ҳар бир банк МХХСни қай тарзда қўллашларини тушунтириб берадиган аниқ режа қабул қилишлари лозим бўлади. Бундай режа қуйидагиларни ўз ичига олиши зарур:

- банклар ўз молиявий ҳисоботларини такомиллаштириши учун ўзларининг бухгалтерия ҳисоби бўлимларига тегишли ўзгартиришлар киритиш чораларини кўриши;
- бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳаларида операцион ходимларни ўқитиш режасини тузиш;
- МХХСни қўллаш ва унга риоя қилиш учун янги бошқарув ахборот тизимлари ва ички назорат хизматларини ташкил этиш;
- банк ходимларини, аудиторлик қўмитаси ва бошқарув аъзоларини МХХС ва бошқарув соҳаларида ўқитиш ва тайёрлаш.

1.3-жадвал

**МҲХСни банкларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларини тузишда қўллаш тартиби**

| T/p                                                                                                                                                                                                                                                                                                    | Молиявий ҳисобот элементлари | Тартибга солувчи стандартлар (МҲХС)                                                                                                                                                                                  | Изоҳ                                                                                                                                                                                                   |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1                                                                                                                                                                                                                                                                                                      | Активлар                     | МҲХС №16 Асосий воситалар<br>МҲХС №36 Активларнинг кадрсизланиши<br>МҲХС №40 Инвестицион мулк<br>МҲХС №17 Ижара<br>МҲХС №38 Номоддий активлар<br>МҲХС №32 Молиявий дастаклар<br>МҲХС №21 Валюта курсидаги ўзгаришлар | Банк активларининг баҳоланиши, уларни тан олиш, киримга олиш, ҳисобдан чиқариш, амортизация ҳисоблаш, курсдаги фарқлар ва уларни молиявий натижаларга олиб бориш тартибини ёритиб беришда қўлланилади. |
| 2                                                                                                                                                                                                                                                                                                      | Хусусий капитал              | МҲХС №1 Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш<br>МҲХС №20 Давлат субсидияси ва грантлари                                                                                                                                 | Банк капиталининг таркиби: устав, қўшилган ва резерв капитал, тақсимланмаган фойдани ҳисобга олиш.                                                                                                     |
| 3                                                                                                                                                                                                                                                                                                      | Мажбуриятлар                 | МҲХС №37 Шартли мажбуриятлар ва шартли активлар, мажбуриятларнинг баҳоланиши<br>МҲХС №26 Пенсия таъминоти ҳисоби ва ҳисоботи<br>МҲХС №23 Заёмлар бўйича харажатлар<br>МҲХС №19 Ходимларни рағбатлантириш             | Банк мажбуриятларининг юзага келиши, пенсия таъминоти ҳисобга олиш ва ходимларни рағбатлантириш, мажбуриятларни потенциал баҳолаш учун қўлланилади.                                                    |
| 4                                                                                                                                                                                                                                                                                                      | Даромадлар                   | МҲХС №33 Акция ҳисобланган даромадлар<br>МҲХС №18 Тушум                                                                                                                                                              | Банкларда даромадларни шакллантириш ва уларнинг ҳисобини юритишда, шунингдек, бир акцияга тўғри келадиган даромадларни ҳисобга олишда                                                                  |
| 5                                                                                                                                                                                                                                                                                                      | Харажатлар                   | МҲХС №12 Даромаддан солиқлар<br>МҲХС №1 Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш                                                                                                                                            | Банкларда харажатларни пайдо бўлиши ва уларнинг ҳисобини юритишда, шунингдек, даромаддан солиқларни ҳисоблашда аҳамиятли.                                                                              |
| <b>Молиявий ҳисоботларни тузишда:</b>                                                                                                                                                                                                                                                                  |                              |                                                                                                                                                                                                                      |                                                                                                                                                                                                        |
| МҲХС №1 Молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш<br>МҲХС №34 Оралиқ молиявий ҳисоботлар<br>МҲХС №29 Гиперинфляция шароитида молиявий ҳисобот<br>МҲХС №27 Консолидациялашган молиявий ҳисобот<br>МҲХС №8 Ҳисоб сиёсати ва ундаги ўзгаришлар<br>МҲХС №7 Пул маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот |                              |                                                                                                                                                                                                                      | Банкларда молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этишнинг концептуал асосларини белгилайди. Молиявий ҳисобот тамойилларини тушунтиради.                                                                 |

Умуман олганда, тижорат банкларида, жумладан АТБ «Халқ банки» активларининг баҳоланиши, уларни тан олиш, киримга олиш, ҳисобдан чиқариш, амортизация ҳисоблаш, курсдаги фарқлар ва уларни молиявий натижаларга олиб бориш тартибини ёритиб беришда қўлланиладиган халқаро стандартларни кенг шарҳлаш ва уни амалиётда қўллаш юзасидан чоратадбирларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

### **I боб бўйича хулоса**

Ҳисоб сиёсатини амалиётда қўллашнинг бошқа бир муаммоси, ўз нуқтаи назарини ҳар томонлама асослаб бера олмаслик ва ҳисобни янги усуллар ҳақида кам таъминланганлик шароитларида ўз фикрини муҳолифлар орасида исботлай олмасликдир.

Кейинги муаммо ҳисоб сиёсатига ўзгартиришлар киритиш имконияти билан боғлиқ. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун ва БҲМС 1-сон «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»нинг 4-банди ҳисоб сиёсатини ўзгартириш масаласига бағишланган: «Қабул қилинган ҳисоб сиёсати йиллар мобайнида қўлланилади. Бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи органлар меъёрий ҳужжатлари ёки қонунчиликнинг ўзгариши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг янги усуллари ишлаб чиқилганда ёки уни фаолияти юритиш шартлари сезиларли равишда ўзгарган ҳолатларда ҳисоб сиёсати ўзгартирилиши мумкин. Бухгалтерия ҳисоби маълумотларини таққосланилишини таъминлаш мақсадида ҳисоб сиёсатига ўзгартиришлар молиявий йил бошига киритилиши зарур». Бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллариининг ўзгариши, фақатгина банклар томонидан ишлаб чиқилган усулларга таллуқли эканлиги тўғрисида, буйруқда келтирилган аниқликка эътибор бериш лозим.

Молиявий ҳисобни юритишнинг янги усуллариини қўллаш ёки эскирганини бекор қилиш, ёхуд анъанавийларига нисбатан кўп вариантлиликини жорий этиш ҳақида сўз юритилса, улар тезкор равишда

тасдиқланиши ва чоп этилиши зарур, чунки ўзгартиришлар киритишга техник имконият ва янгиликларни тушуниб этиши учун вақтга эга бўлиши лозим. Ҳақиқатдан ҳам бундай ўзгартиришлар келгуси молиявий йил бошидан киритилиши зарур, шундагина ҳуқуқий ва иқтисодий мазмун ўртасида зиддиятлар бўлмайди.

Ҳисобот даврида хўжалик юритиш шароитлари сезиларли равишда ўзгариши мумкин. Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти 1-сон «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» бўйича ўзгаришлар сирасига қайта ташкил этиш, мулкдорлар фаолият турларининг ўзгариши ва шу кабилар киритилган. Бизнингча, масалага бундай ёндашиш унинг сифат тавсифини тўлалигича очиб бермайди.

Шундай қилиб, объектив тарзда ўз хўжалик юритиш шароитларини ўзгаришини олдиндан айтиб бера олмаса ёки уларни бошқара олмаса ва бу ўзгаришларни келгуси молиявий йил бошига қолдира олмаган ҳолларда, йил давомида ҳисоб сиёсатига ўзгартиришлар киритиш зарурлигини ҳуқуқий тартибга солиш борасидаги муаммо вужудга келади. Шунини ҳам ёдда тутиш лозимки, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг муайян йўналиши бўйича ҳисоб сиёсатини шакллантиришда, Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солиш тизимига кирувчи ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган бир неча усуллардан бири танлаб олинади. Агар қайд этилган тизим муайян йўналиш бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш усулини белгиламаса, ҳисоб сиёсатини шакллантиришда, бухгалтерия ҳисоби бўйича мазкур ва бошқа тартиблардан келиб чиққан ҳолда, тегишли услуб ишлаб чиқилади. Шу тариқа, ҳисоб сиёсати бўйича буйруқ бухгалтерия ҳисоби усулларининг икки тури, икки гуруҳини ўз ичига олиши мумкин:

- Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби бўйича меъёрий ҳужжатлардаги мавжуд усуллар;

- меъёрий ҳужжатларда мавжуд бўлмаган, умумуслубий ёндашувларига таянган ҳолда мустақил равишда ишлаб чиқиладиган усуллар.

## **II-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ҲИСОБ СИЁСАТИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ**

### **2.1. Тижорат банклари бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш асослари.**

Ўзбекитсон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг бошқарувининг 2008 йил 3 майдаги 11/5 - сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида йўриқнома»си асосида амалга оширилади.

Бу йўриқнома бухгалтерия ҳисобининг юритиш, бухгалтерия ишларини тўғри ташкил этиши ва назоратнинг аниқ олиб борилиши банкнинг ўз вазифаларини тўғри бажарилишини, мавжуд ва бўлғўси инвесторлар, кредиторлар, ҳукумат муассасалари, вазирликлар, идоралар, жамоатчилик ва бошқа мафаатдор фойдаланувчилар, шунингдек банк раҳбарияти ва ходимлари учун банк фаолиятига ҳаққоний баҳо бериш имконини яратадиган аниқ ва фойдали ахборот олишни таъминлайди. Шунингдек банкларда бухгалтерия ҳисоби ишларини юритиш ва бухгалтерия аппаратини ташкил қилиш тамойиллари, мижозларга хизмат кўрсатиш ҳамда ҳужжатлар айланмасини йўлга қўйиш усуллари тўғрисида кўрсатмалар берилган, банк операцияларининг қонунийлиги бўйича жавобгарлик белгилаб қўйилан.

Қўйидагиларни таъминлаш мақсад қилиб қўйилган:

- ҳисоб - китоб, касса, валюта. Кредит ҳамда бошқа банк операцияларини тўғри бажариш ҳамда уларни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида ўз вақтида ва аниқ акс эттириш;

- банк активлари, мажбуриятлари, даромадлари ва харажатлари ҳамда капитали ҳолати ва улардаги ўзгаришлар тўғрисида ишончли маълумотлар тўплаш;

- банкнинг молиявий ҳолати, молиявий ҳолатидаги ўзгаришлар ва молиявий натижалар тўғрисидаги ва банк раҳбарияти фаолиятига баҳо берувчи молиявий ҳисоботларни тузиш учун хизмат қилувчи ахборотлар тизимини яратиш;

- банк иш куни тартибига риоя қилиш, мижозларга тез ва аниқ хизмат кўрсатиш;

- ҳисоб – китоблардаги маблағлар айланишини тезлаштириш;

- банкдан чиқаётган ҳужжатларни тегишли тарзда расмийлаштириш ва бунинг натижасида улардан фойдаланишни осонлаштириш, шунингдек бошқа банкларда ушбу ҳужжатлар билан операциялар бажарилишини ҳамда улар томонидан хизмат кўрсатувчи мижозларнинг операциялари ҳисобини юритишни белгиланган талабларга мувофиқлаштиришни ташкил этиш;

- банкдаги пул маблағлари, моддий бойликлар, шунингдек қатъий ҳисобда турувчи бланкалар камомади ёки ортиқчалигига йўл қўймаслик ҳамда белгиланган тартибда уларнинг сақланишини ташкил этиш;

- операцияларнинг қонунийлиги ҳамда тўғрилигини доимий ички назорат ва аудитидан ўтказиш, уларнинг натижалари бўйича маълумотлар тузиш ва расмийлаштириш имкониятини яратиш;

- замонавий компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда банк операциялари ҳисобини дастурини амалга ошириш, ҳисоб ишларини юритиш ҳамда ҳисоботларни тузишда меҳнат ва маблағ сарфини қисқартириш.

Йўриқномада белгилаб қўйилан операцияларни амалга ошириш, расмийлаштириш, ҳисобини юритиш ва назоратини олиш тўғрисидаги талаблар барча банклар учун мажбурийдир. Банклар, ушбу йўриқномада белгиланган асосий қоидалар доирасида ўзларининг иш Хусусиятларидан келиб чиқиб ички банк бухгалтерия ҳужжатларининг юритиш тартибини белгилашлари мумкин. Банк ҳодимлари бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган банк сирига оид маълумотларни Ўзбекистон

Республикасининг «Банк сири тўғрисида»ги қонун талабларига қатъий амал қилган ҳолда сир сақлашлари лозим.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини ташкил этишни банк раҳбари амалга оширади. Бухгалтерия аппаратиға банкнинг бош бухгалтери раҳбарлик қилади. У банк тизимининг бош бухгалтерлари тўғрисидаги намунавий устав асосида иш олиб боради. Бош бухгалтер бўлмаган вақтда унинг вазифаларини бош бухгалтер ўринбосари бажаради.

Банкларда бухгалтерия ишларини юритиш учун бухгалтерия аппарати тузилади. Банк бухгалтерия аппаратиға шартнома асосида четдан жалб қилинган бухгалтерлар ёки бухгалтерия фирмаси ҳодимларининг киритилиши қатъиян тақиқланади.

Банк бухгалтерия аппаратининг ташкилий тузилиши ва унда ташкил этиладиган бўлимлар сони унда амалга ошириладиган операциялар сонига, ҳажмиға ва уларнинг автоматлаштирилганлик даражасига боғлиқ бўлади. Иш ҳажми кичик банкларда бухгалтерия аппарати банкнинг яхлит бўлинмаси сифатида фаолият юритиш мумкин. Бунда банклараро ҳисоб – китоблар ва чет эл валютаси бўйича операциялар ва банкнинг ички ҳисобварақлари бўйича операцияларнинг ҳисобини юритиш махсус бўлимларға топширилиши мукин.

Иш ҳажми катта банкларда бухгалтерия аппарати йўриқнома талабларини ҳисобға олган ҳолда ташкил этилиш лозим. Шунингдек барча операциялар масъул ижрочи бухгалтерлар томонидан дастлабки ва назоратчи бухгалтерлар томонидан жорий назоратдан ўтишни таъминлаш мақсадида иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда масъул ижрочи ва назоратчилар сони ўртасида мутоносиблик сақланиши лозим. Бухгалтерия аппарати ҳодимларининг аниқ вазифалари банк раҳбари бўйруғи билан тасдиқланади. Масъул ижрочи ва назоратчи бухгалтерлар зиммасига муайян ҳисобварақларни юритиш ёки алоҳида операциялар зиммасига муайян ҳисобварақларни юритиш ёки алоҳида операцияларни амалга ошириш ишлари юкланади. Ҳисобварақлар бухгалтерия ҳодимлари

ўртасида шундай тақсимланиши керакки, бунда битта хўжалик юритувчи субъектнинг барча депозит ва ссуда ҳисобварақлари битта бухгалтерия ходими томонидан юритилиши керак, чет эл валютасида очилган ҳисобварақлар бундан мустасно. Ҳисобварақларни бухгалтерия ходимлари ўртасида тақсимланиши ва қайта тақсимланиши китобида дастурий равишда юритилади ҳамда қулда махсус дафтарда қайд этилиб борилади.

Банк бош бухгалтери муҳрлар, штамплар ва бошқаларни уларнинг йўқолишига ёки бошқа мақсадларда ишлатилишига йўл қўймайдиган тарзда сақланадиган ва фойдаланиши устидан назоратни таъминлаши шарт. Банк муҳрлари ва бурчакли штампларининг ҳисоби уларнинг сақланаётган шахс фамилияси ва лавозими кўрсатилган махсус дафтарда юритилади. Дафтар варақлари рақамланган, боғланган ва банк муҳири, банк раҳбари ҳамда бош бухгалтернинг имзолари билан тасдиқланган бўлиши ва банк раҳбарининг ёки унинг ҳохишига кўра бош бухгалтернинг сейфида сақланиши лозим.

Банк ходимларининг иш жойлари шундай жойлаштирилган бўлишлари керакки, бунда мижозлар ва бошқа бегона шахсларнинг банкнинг муҳрлари, штамплари, ҳужжатлари ва бланкаларини олишларига имкон бўлмаслиги керак.

Ходим меҳнат таътилига чиққан, касал бўлиб қолган ёки бошқа сабабларга кўра ишда бўлмаган ҳолларда унинг вазифалари унга бириктирилган ҳисобварақлар ҳамда унинг муҳр ва штамплар билан биргаликда бошқа ходимга топширилиши ва бу ҳақида махсус дафтарда тегишли ёзувлар қайд этилиши шарт.

Бош бухгалтер зиммасига умумий назоратни ташкил этиш ҳамда ҳар куни бухгалтерия ва касса ишларини барча бўлимларда ўрнатилган тартибга риоя қилинишини назорат қилиб бориш юклатилади. Шунингдек бош ва ёрдамчи китобларда операцияларни қайд этиш,

тегишли бухгалтерия ҳисоби ҳисоботларини дастурий равишда тузиш ишларига раҳбарлик қилиш юклатилади.

Мижозларнинг банк ходимлари устидан шикоятлари ҳамда бошқа муружатлари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қабул қилинади ва кўриб чиқилади. Муружат қилиш тартиби эълонлар ёзиб қўйиш билан маълум қилиниши лозим.

Банк раҳбари бухгалтерия ишини ҳолатини умумий кўзатиш билан бирга баланс ва бошқа ҳисоботларни ўз вақтида тузилишини текшириб бориши, мијозларга ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатилишини мунтазам назорат қилиб туриши шарт.

Таркибий тузилмаси Фронт – офис ва Бэк – офис сифатида ташкил этилган йирик банкларнинг бухгалтерия аппарати шу таркибий тузилмаларга мос равишда ташкил этилиши мумкин. Биз таҳлил объекти сифатида олган Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси қошидаги Амалиёт бошқармасининг Бухгалтерия аппаратининг Фронт – офис ва Бэк – офисларга ажратилган ҳолат ташкил этилган.

Бухгалтерия ходимларининг иш куни шундай ташкил этилиши керакки, бунда банк томонидан амалиёт куни давомида ижрога қабул қилинган пул ҳисоб – китоб ҳужжатлари дастлабки ва жорий назоратдан ўтказилиб, улар ўз вақтида ижро этилиши, яъни ҳисобварақлар бўйича операциялар бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиб, кунлик баланс ҳисоботи тузилиши ҳамда кейинги банк иш кунидан кечиктирмасдан бажарилган барча операциялар якуний назоратдан ўтказилиши шарт.

Тижорат банки ўз операцион харажатларини банк бошқаруви томонидан бир йил учун тасдиқланган ва хабар берилган смета доирасида амалга оширади.

Банкнинг операцион харажатлари сметаси бўйича маблағларни банк раҳбари тасарруф этади. Банк раҳбари банк бўйича бўйруқ чиқариб смета харажатларини тасарруф этиш ҳуқуқини ўз ўринбосарига ишониб

топширишга ҳақлидир. Бироқ смета бўйича харажатларни тасарруф этиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериб қўйиш билан бошқарув раиси смета интизоми аҳволи учун шахсий жавобгарлигидан озод этилмайди.

Банкнинг операцион харажатлари учун ажратилган смета доирасида молиялаштириш ҳисобот йилининг 31 декабригача амал қилади. Тугаган йилда амалда бўлмаган барча харажатлар 31 декабригача ўтказилиши лозим.

Банкнинг операцион харажатлари ҳисоби банк томонидан «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режаси» га асосан белгиланган тартибда акс эттирилади.

Банк операцион харажатлари бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш вазифаси юклатилган ҳодим бу харажатлар бўйича ҳужжатларни бухгалтерия ўтказмалари учун қабул қилаётганда қўйидагиларни текшириши керак:

- пул тўланаётган ҳужжатда кредитларни тасарруф этувчининг рўхсат имзоси бор - йўқлиги;

- пул туланаётган ҳужжатдаги хусусий суммалар ва кунлар тўғрилиги;

- ҳужжат тўғри расмийлаштирилганлиги ва хусусан кўрсатилган хизматлар учун тузилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қабул қилинганлигини тасдиқлаб қўйган имзоларнинг бор йўқлиги;

- сотиб олинган моддий қимматликлар учун ёзилган тўлов ҳужжатларда улар бут сақланиши учун жавобгар шахслар қабул қилиб олганликлари тўғрисидаги тилхатларнинг бор – йўқлиги;

- ҳужжат пули ҳисоботи топшириладиган суммалардан туланган ҳолларда пул олгани тўғрисида ҳужжатга имзо чекилганлиги;

Агар ҳисоб - китоблар нақд пулсиз тартибда амалга оширилса, у ҳолда мемориал ордер тузилади. Мемориал ва касса ордерлари банк ички ҳисобварақлари бўйича ҳисоб юритадиган бухгалтер ва бош бухгалтер томонидан имзоланади.

Келажакдаги ҳисобот даврига тегишли бўлган харажатлар тегишли ҳисобот даври давомида амортизация(харажатга ўтказиш) қилиниши лозим. Бундай харажатларга йил охирида таътилга кетаётган ходимларга туланган иш ҳақи, хусусан келаси йилга таълуқли тўловлар. Даврий нашрга обуна бўлиш бўйича, келгўси йиллар сметаси ҳисобидан ўрин қоплаши керак бўлган ижарага олинган биноларни капитал таъмирлаш харажатлари суммаси, бинони ижараси учун олдиндан тўлов, олдиндан суғурта бадали, олдиндан аудиторлик хизматлари учун тўловлар, фаолият кўрсатиш билан боғлиқ ташкилий харажатлар ва бошқа солиқлар тўловлари мисол бўлиши мумкин.

Автотранспортдан фойдаланиш ва уни жорий таъмирлаш харажатлари, фойдаланилган ёнилғи қиймати ҳисоби «Транспортни сақлаш ва шаҳар бўйлаб юриш» номли алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади. Бундан ташқари мазкур ҳисобварақларда марказлаштирилган таъминот анжомларини вилоят доирасида ташиш харажатлари ҳисоби ҳам олиб борилади.

Банк реклама ва хабар бериш анжомлари ва офис буюмларини сотиб олишга қиладиган харажатлар, почта, телефон ҳамда факс харажатлари, даврий нашрлар, китоблар, газеталар учун қилинадиган харажатлар ҳисоби «маъмурий харажатлар» номли шахсий ҳисобварақларда тегишли тарзда иккинчи тартиб ҳисобварақларда юритилади. Бу ҳисобварақлар бўйича харажатлар бош банк белгилаган сметалар чегарасида қилинади.

Банк ходимларининг иш ҳақи ва уларга туланадиган бошқа тўловлар қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Банк фаолияти давомида керак бўладиган товарлар, моддий бойликлар сотиб олиш банкка келтиришда ҳам тартиб интизом бўлмоғи зарур. Товар – моддий бойликларни банкка келтиришда ишончномалар бериш бўйича ҳам махсус тикилган бетлари рақамланган, муҳрланиб неча бетлиги кўрсатилган ҳолда, бош бухгалтер ва банк бошлиғи имзолаган дафтар

тутилиши лозим. Хар бир ишончнома расмийлаштиришда ишончномага бош бухгалтер ва банк бошлиғи имзо чекиб муҳр босилган бўлиши шарт. Шундагина ҳақиқий ҳисобланади.

Берилган ишончномани ҳисобга олиш дафтари ишончномаларни рўйхатга олиш учун масъул бўлган шахсда сақланиши лозим.

Ишончномаларнинг амал қилиш муддати у асосида ишончнома берилган шартномалар ва бошқа битимлар бўйича тегишли қимматликларни олиш ва олиб чиқиб кетиш имкониятига боғлиқ равишда белгиланади, бироқ у 10 иш куни муддатида ошмаслиги керак.

Ишончли шахс қимматликларни олганидан сўнг топшириқлар берилганлиги ва у олган товар–моддий қимматликлар омборга топширилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни банк бухгалтериясига ёки тегишли моддий жавобгар шахсга тақдим этиши шарт.

Фойдаланилмаган ишончномалар амал қилиш муддати тугаган кундан кейинги санадан кечикмасдан банка топширилиши керак. Фойдаланилмаган ишончномаларни қайтарилганлиги тўғрисида Берилган ишончномаларни ҳисобга олиш дафтарида (ишончномалар бўйича топшириқларни бажарилиши тўғрисида қайдлар») устунида қайд этилади. Қайтарилган фойдаланилмаган ишончномалар «фойдаланилмаган» ёзуви билан сўндирилади ва уларни рўйхатдан ўтказиш учун жавобгар бўлган шахс томонидан ҳисобот йили охирига қадар сақланади. Амал қилиш муддати тугаган ишончномалардан фойдаланиш Хусусида ҳисобот бермаган шахсларга янги ишончномалар берилмайди ва муддати ўтган ишончномани қайтиб берилганлиги сабаблари ўрганилади. Суистеъмол ҳолати аниқланганда қонун ҳужжатларида белгиланган чоралар кўрилиши шарт.

Ишончномалар товар–моддий қимматликларнинг дастлабки берилишида мол етказиб берувчида қолдирилади.

Товар-моддий қимматликлар бериб бўлингандан кейин ишончнома ишончномалар бўйича топширилаётган қимматликларнинг охирга туркумини бериш учун ҳужжат билан бирга бухгалтерияга топширилади.

Банкдаги қимматликларни инвентаризация қилиш ҳамда аниқланган ортиқча ва камомадларни расмийлаштириш қўйидагича амалга оширилиши керак:

1. Банкларда моддий қимматликларнинг амалда мавжудлигини ва уларнинг сақланишини назорат қилиш учун улар банк томонидан даврий равишда, лекин камида йилида бир маротаба инвентаризация қилинади. Инвентаризация ўтказиш тартиби банк раҳбарияти томонидан белгиланади ва инвентаризация комиссияси тузилади. Инвентаризация комиссияси таркиби банк раҳбари бўйруғи билан тайинланган инвентаризация комиссияси раиси ва унинг аъзоларидан иборат бўлиб, уларнинг сони тоқ бўлиши лозим.

2. Моддий қимматликларни инвентаризация қилиш натижасида аниқланган ортиқча ёки камомад юзасидан ўрнатилган тартибда далолатнома тузилади ва бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади. Банкда ўтказилган инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча моддий бойликлар банк даромади ҳисобланади.

3. Банк ходимларининг айби билан фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган моддий бойликлар ёки камомад аниқланган ҳолда, ушбу қимматликларнинг ҳақиқий қиймати, қонунчиликда белгиланган тартибда айибдор шахслардан ундириб олинади. Ўтказилган зарар миқдорини, банк мулкига зарар етказганлиги учун ташкилот ходими моддий жавобгарлиги доирасида ва тартибини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси билан тартибга солинади.

Обмordan моддий бойликларни бериш ва улардан фойдаланиш ҳисобини юритиш тартиби қўйидагича белгиланиб қўйилган:

1. «16561-омбордаги асосий воситалар» ва «19921-Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар»

ҳисобварақларида ҳисобга олинадиган моддий қимматликлар омборхонадан ёзма талабномалар асосида берилади. Бу талабномаларни имзолаш ва омбордан материаллар беришга рўхсат этиш ҳуқуқи берилган шахслар тўғрисида бўйруқ чиқарилиши керак. Бўйруқ нусхаси мазкур шахслар имзоларининг намуналари билан бирга омбор мудирига ва бухгалтерияга ҳисобварақ бўйича ҳисоб юритадиган ҳодимга топширилади.

Қиймати тегишли ҳисобварақларга киритилиши керак бўлган материаллар учун ёзилган талабномаларда банк бўйруғи бўйича имзолаш ҳуқуқи берилган тасарруф этувчининг рухсат берувчи имзоси бўлиши лозим.

Омбордан материалларни олиш учун ёзиладиган талабнома уч нусхада тузилади. Уларда кўзда тутилган барча реквизитлар, шунингдек талаб қилинаётган қимматликларнинг номенклатура бўйича рақамлари, номи, сони ва мақсади кўрсатилади.

Талабномаларнинг дастлабки икки нусхасига материаллар олувчи уларни олгани ҳақида тилхат ёзади ва бу қоғозларга материалларни берган омборчи имзо чекади. Берилган материаллар омбор ҳисоб китоб юритиш қайдномаларида чиқим қилинганидан кейин омборчи талабноманинг иккинчи нусхасини хронологик тартибда ўзидаги чиқим ҳужжатлари йиғма жилдига тикиб қуяди. Биринчи нусхаси бухгалтерияга топширилади, учунчиси эса материалларни олувчининг қулига берилади.

Материаллар бошқа филиалларга жунатилаётганда талабномалар тўрт нусхада тузилади. Уларнинг бири моддий қимматликлар жунатмасига қистирилади, иккита нусхаси бухгалтерияга берилади ва тўртинчи нусхаси омбор мудирига берилади.

Талабномалар умумий суммасига материаллар сарфини ҳисоб ҳужжатларида акс эттириш учун кирим-чиқим ордери тузилади.

Ёқилғи ва мойлаш материаллари хайдовчиларга шунингдек бошқа хўжалик материалларини муайян лимитлар бўйича мунтазам олиб турадиган шахсларга талабномаларсиз, ҳар бир ойда бир олувчи учун тутиладиган лимит карталари асосида берилиши мумкин. Бу карталарда берилган

материаллар суммаси қайд этилади. Ана шу лимит карталари асосида ҳар ой охирида материалларнинг қиймати балансдан чиқарилади.

«Омборда» илова суб ҳисобварақлари бўйича материаллар ҳисоби миқдор ва қиймат ифодасида юритилади. Қўшимча китобда шахсий ҳисобварақлар юритилади, бундан ташқари, материаллар тури ҳамда ҳисобдор шахслар бўйича варақчалар ва дафтарларда ҳисоб олиб борилади. Варақчанинг олд томонида банк номи, анжом номи, дафтар бўйича номери, ҳисобварақ номери, анжомнинг нархи, анжомлар сони, анжомни берувчининг номи, бухгалтерия ёзуви қайд қилинган сана кўрсатилади, шунингдек бухгалтерия ходимлари имзо чекадилар. Варақчанинг орқа томонида анжом учун жавобгар шахснинг исми шарфи, анжом сони улар суммаси, у сақланаётган жой кўрсатилади, шунингдек бухгалтерия ходимлари имзо чекадилар. Варақчалар бир турдаги буюмлар гуруҳлари бўйича картотекага жойлаштирилади. Асосий воситалар ҳисобини юритиш дафтари йил охирида яқунланмайди ва ундаги ёзувлар янги йилда давом эттирилади. Моддий қимматликлар умумий белгиланган тартибда йўқлама қилиб турилади. Банкларнинг бош бухгалтери ҳисоблаш, ташкилий ва бошқа турдаги техник паспортлари у фойдаланишдан чиқарилгунча сақланиши таъминлайдилар. Хўжалик материаллари балансдан чиқарилаётганда техник паспортлар техникани ҳисобдан чиқариш ҳужжатларига илова қилинади.

Ҳисобдорлик асосида маблағларни бериш ва уларни ҳисобини юритиш ҳисобдорлик асосидаги маблағлар амалдаги эҳтиёжга қараб берилади ва улар фақат бевосита кўзланган мақсадларга яъни хизмат сафарлари, хўжалик харажатлари ва бошқаларга сарфланиши лозим. Хизмат сафари харажатларига иш ҳақи ҳисобидан бунақлар бериш тақиқланади хизмат сафари харажатлари учун бунақлар хизмат сафарига жунатилаётган ходимнинг шахсан ўзига берилади. Хизмат сафари билан боғлиқ харажатлар учун ҳисобдорлик асосидаги маблағлар хизмат сафарига борадиган шахсларга хизмат сафари жойига етиб бориш ва қайтиб келиш қимматини, кундалик харажатларни, ҳамда турар жой харажатларини қоплайдиган

суммалар чегарасида берилади. Ҳисобдорлик асосида пул олган ҳар бир банк ходими ўзи олган бунакни қандай сарфлагани тўғрисида бунак ҳисоботи топширади. Унга хўжалик харажатлари бўйича тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиши шарт. Бу ҳисобот бунак олинганидан кейин кўпи билан уч кун ичида, хизмат сафари харажатлари бўйича эса сафардан қайтганидан сўнг ўзоғи билан уч кун ичида топширилиши зарур. Ҳисобдорлик асосида берилган маблағларнинг сарфланмаган қолдиқлари топшириқ бажарилганидан ёки сафардан қайтганидан кейин банк кассасига топширилиши лозим. Агар топшириқ бекор қилинса, уни бажариш учун ҳисобдорлик асосида берилган бунак суммаси дарҳол қайтарилиши керак. Янги бунак бериши учун аввал олинган бунак бўйича тўла ҳисоб–китоб қилинган бўлиши шарт. Ҳисобдор шахс ўзи бажараётган топшириқлар Хусусиятига кўра ёнида доимо нақд пул олиб юриши зарур бўлган ҳолларда бундан мустасно. Сарфланган суммани тўлдириш учун янги бунак берилиши мумкин бўлган бунак қолдиғи миқдори банк раҳбари томонидан белгиланади. Тасдиқланган бунак ҳисоботлари бўйича тегишли ҳисобварақларга киритиладиган харажатлар, гарчи у берилган бунақдан ортган бўлсада, тўла суммада ҳисобдор шахслар учун очилган шахсий ҳисобварақлар кредитида қайд этилади. Ўтган йили тугалланган хизмат сафарлари бўйича сарфланган бунақлар тўғрисида ҳисоботлар янги йил айланмаларида қайд этилади. Сарфланганлиги тўғрисидаги ҳисобот берилмаган суммалар ҳам 1 январь ҳолатига ҳисобдор шахслар ҳисобварақлари қолдиқларида акс эттирилиши лозим.

Банкларда жамланма ва таҳлилий ҳисоб операциялари алоҳида бухгалтерия регистрида қайд этилади. Синтетик ҳисоб юритишда Бош китобдан ва аналитик ҳисоб юритишда ёрдамчи китобдан фойдаланилади. Бош китобда банк операцияларини ҳисобини юритиш, гуруҳлаш ва уларга доир ҳисоботларни тузишда қулланиладиган жамланма маълумотлар қайд қилинади. Улар ҳар бир ҳисобварақ бўйича кун бошига қолдиқ, кун давомида амалга оширилган операцияларнинг айланмаси ва кун охирига қолдиқ

суммалари акс эттирилади. Ёрдамчи китобда бухгалтерия операциялари батафсил ва тўлиқ акс эттирилади. Ёрдамчи китобларнинг шакл ва турлари ҳар бир банк томонидан мустақил белгиланади. Бош китоб ва ёрдамчи китоб ҳисобварақларида ҳисоб операциялари албатта икки ёқлама ёзув қоида­сига амал қилган ҳолда қайд этиш ёки ушбу ҳисобварақлар билан корреспонденция бўлган ҳисобварақлар рақамлари кўрсатилиши шарт. Ёрдамчи китоб ҳисобварақларига нисбатан олганда Бош китоб ҳисобварақлари назорат ҳисобварақлари ҳисобланади. Ёрдамчи китобдаги якуний суммалар ҳар бир банк иш кунининг охирида, шуниндек ой охирида, янги ойнинг биринчи куни ҳолатига кўра уларнинг бош китобдаги назорат суммаси балансдаги сумма билан бир хил бўлиши лозим.

Хорижий валютадаги операциялар бўйича Бош ва ёрдамчи китоблар ҳар бир валютанинг тури бўйича алоҳида-алоҳида юритилади. Банк операцияларини ҳисоб регистрларида қайд этиш дастурий йўл билан амалга оширилади. Бош ва ёрдамчи китоблар. Ёрдамчи китоблардаги маълумотлар Бош китобда жамланади.

Бош китоб маълумотлари асосида қўйидагилар тузилади:

- баланс ҳисобварақларининг кунлик қолдик суммалари –кунлик баланс;
- баланс ҳисобварақлари бўйича айланма ва кун бошига ва охирига қолдик суммалари - айланма -қолдик суммалари айланмаси;

- ойлик, чораклик ва йиллик айланма - қолдик суммалари қайдномалари.

Бош бухгалтернинг хошишига кўра, эмиссия касса операциялари, хорижий операциялар, шунингдек «Кўзда тутилмаган ҳолатлар» ҳисобварақлари бўйича жамланма карточкалар юритилиши мумкин. Касса жўрналлари дастурий йўл билан касса крим ва чиқими бўйича алоҳида икки нусхада тузилади ҳамда баланс ҳисобварақлари ва бутун журнал бўйича якунлар чиқарилади. Якунлар касса билан таққослангандан сўнг биринчи нусхалар ёрдамчи китоб маълумотларини Бош китоб маълумотлари билан таққослаш ва йиғмажилдга тикиш ҳамда ҳар куни компьютерда архивациялаш учун жавоб берадиган ҳодимга берилади.

Ҳар куни дастурий йўл билан ҳисобварақлар айланмалари ва қолдиқлари тўғрисидаги жамланма маълумотлар олинади. Ҳар бир ҳисобварақ бўйича кун бошига қолдиқ суммаси, дебет ва кредит айланмалари ҳамда кун охирига қолдиқ суммалари кўрсатилади.

Бош ва ёрдамчи китобларни текшириш. Шахсий ҳисобварақлардаги ёзувларни шу ҳисобварақларнинг юритиш топширилган бухгалтерия ходимлари назорат қиладилар.

Бунда шахсий ҳисобварақлардаги барча ёзувлар банкнинг ваколатли ходимлари назоратидан ўтган ва операциялар расмийлаштирилганда улар имзолаган тегишли ҳужжатларга мослиги, тегишли реквизитлар ва ҳужжатларнинг суммалари шахсий ҳисобварақларга тўғри ўтказилганлиги текширилади.

Шахсий ҳисобварақлар айланмаларидаги ҳар бир дебет ва кредит бўйича ёзувлар суммаларининг банкнинг ўзи расмийлаштирилган пул ҳисоб - китоб ҳужжатлари ва бошқа банклардан келган электрон тўлов ҳужжатларидаги суммалар бирма бир солиштириш орқали текширилади.

Шахсий ҳисобварақлардаги кун бошидаги қолдиқ суммалари уларнинг ўтган кундаги шахсий ҳисобварақлар қайдномасининг кун охиридаги қолдиқлар суммалари билан солиштириш орқали текшириб чиқилади.

Шахсий ҳисобварақларнинг кун охиридаги қолдиқлари кунлик айланма - қолдиқ суммалари айланмаси бўйича ҳамда қўйидагилар таққослаш йўли билан текширилади.

Ҳисобварақ рақами, ҳисобварақ номи ва кун охиридаги қолдиқ бу қолдиқ шахсий ҳисобварақлардаги қолдиқлар билан таққосланади.

Бош китобнинг назорат ҳисобварақларидаги маълумотлар ёрдамчи китобдаги тегишли ҳисобварақларнинг якуний суммалари билан таққосланади. Агар дастлабки ёзувларда катта хато бўлмаса, суммалар тенг чиқади.

Кунлик баланс ҳисоботини тайёрлаш ва тақдим қилиш. Банклар кунлик бажарилган бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида Ўзбекистон

Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган шаклда кунлик баланс ҳисоботи тузади. Кунлик баланс ҳисоботи Бош банк томонидан бутун банк бўйича ягона қилиб тайёрланади. Бош банкнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти томонидан ягона баланс ҳисоботини тузиш устидан мониторинг ўрнатади. Ягона баланс «Банк биносидан ташқарида жойлашган масъул ижрочи бухгалтер» қондаси асосида шакллантирилади. Бунда маълумотларни қайта ишловчи Бош сервер Бош банкда, филиалларда эса ягона локал ҳисоблаш тармоғига уланган бухгалтер, иқтисодчи, филиал раҳбарияти ва бошқа ходимларнинг ишчи станциялари жойлашган бўлади.

Филиалларда барча пул ҳисоб–китоб ҳужжатлари (тўлов топшириқ-номаси, тўлов талабномаси, инкасса топшириқномаси, аккредитивга ариза, инкассо қилинган пул тушумларига илова рўйхати, эълонномалар ва пул чеклари) асосида амалга ошириладиган операциялар махсус ўрнатилган белгилар сифатида Бош серверга автоматик ўзатилади ва шу заҳоти бош серверда акс эттирилади. Ҳар иш куни охирида Бош банкда кун давомида амалга оширилган операцияларнинг банклараро, филиаллараро ва ички банк операцияларига бўлинган ҳолдаги рўйхати тайёрланади. Бу операцияларнинг суммаси кун мобойнида амалга оширилган бутун банк операциялари суммасига тенг бўлиши лозим.

Бош банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ахборотлаштириш бош марказидан «END» файл олгандан сўнг кунни ёпиш билан боғлиқ бўлган барча операцияларни бажаради ва шу заҳоти ўзининг филиалларига кун давомида амалга оширилган операциялар тўғрисида «END» файлга мос бўлган назорат файлини юборади.

Банк филиаллари ўрнатилган тартибда бухгалтерия ҳужжатларини йиғмажилдга тикишлари ва уларни баланс маълумотлари билан солиштиришлари лозим.

Ҳар бир ҳисобот шакли филиал раҳбар ва бош бухгалтери томонидан синчиклаб текширилади.

Бош банк раҳбарлари балан бўлмаган, ҳисобда тартибга солинмаган тафавутлар чиққанида ва бир кун давомида мижозларга хизмат кўрсатилиши таъминланмаган ҳолларда бу камчиликларни бартараф этиш учун зарур барча чора – тадбирларни кўриши лозим. Банк филиаллари раҳбарлари ва бош бухгалтерлари баланс чиқмаганлиги ҳақида белгиланган муддатда бош банкка хабар қилмасалар, уларга нисбатан эгаллаб тўрган лавозимларидан озод қилишгача бўлган чоралар кўрилади.

Баланс тўғри тузилганлиги қўйидаги тартибда текширилади:

Кунлик балансининг актив ва пассивларининг қолдиқлари бўйича якунлари тенглиги (актив ҳисобварақларнинг мажбуриятлари ҳисобварақлари қолдиқлари плюс капитал ҳисобварақлари қолдиқларига тенглиги);

«Кўзда тутилмаган ҳолатлар» ҳисобварақлари қолдиқлари якунининг тўғрилиги, шу ҳисобварақлар билан уларга тегишли контр ҳисобварақлар қолдиқларининг ўзаро тенглиги;

Актив ҳисобварақларда кредит қолдиқ (контр–актив ҳисобварақлардан ташқари), пассив ҳисобварақларда дебет қолдиқ (контр–пассив ҳисобварақлардан ташқари) бўлмаслиги;

Актив ҳисобварақларга очилган контр – актив ҳисобварақлар қолдиғи шу актив ҳисобварақ қолдиғидан ортиқ бўлмаслиги, пассив ҳисобварақ қолдиғидан ортиқ бўлмасилиги;

Бош банкда очилган 16100 ва 22200 - ҳисобварақлари қолдиқлари ҳамда улар бўйича очилган иккинчи тартибли мос ҳисобварақларнинг қолдиқлари ўзаро тенг бўлиши;

Асосий воситалар, даромадлар ва харажатлар ҳамда банк капитали ҳисоби фақат миллий валютада юритилишини таъминлаш ва балансининг резидент ва норезидент устунларини шунга мос равишда тўлдирилганлиги.

Балансининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг кунлик бухгалтерия ҳисоби сифатида бир нусха баланс (Бош банкда бутун банк бўйича, филиаллар эса ўз филиаллари бўйича) чоп этилади.

Банкнинг ягона кунлик баланси банк раҳбари ва Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти директори (бошқарма бошлиғи) томонидан имзоланиши лозим.

Филиаллар баланси филиал бошқарувчиси ва унинг бош бухгалтери томонидан, касса мудури ёки касса ходими имзо чекади.

Банклар баланси бошқа зарур маълумотлар билан биргаликда Марказий банкка тақдим қилиши учун Бош сервердан Ахборотлаштириш бошқарув тизими (бундан кейинги ўринларда АБТ деб юритилади) га ўзатилади.

Ўзбекистон Республикаси марказий банкининг Бухгалтерия - ҳисоби, ҳисоботи ва давлат бюджети касса ижроси департаменти тижорат банклари ва ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳудудий Бош бошқармаларининг балансларининг алоҳида жамлаб, сўнгра бутун республика банклари бўйича йиғма баланс тузади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки баланси Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва давлат бюджети касса ижроси департаменти томонидан тижорат банклари баланслари кредит ташкилотларини фаолияти лицензиялаш ва тартибга солиш департаменти томонидан таҳлил қилинади.

Таҳлил натижалари бўйича тижорат банкларига тегишли кўрсатмалар берилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ваколатли департаментлари АБТ дан ўрнатилган тартибда баланс ва бошқа тегишли маълумотлар олиш мумкин.

Бухгалтерия ҳисобидаги хато ёзувларни тузатиш. Кунлик баланс ҳисоботлари ва шахсий ҳисобварақларга қулда бирон - бир тузатишлар қилинишига йўл қўйилмайди.

Суммаларни учириб ёзиш ва тузатиш, шунингдек учирувчи суюқликлардан фойдаланиб. Уларга тузатишлар киритиш қатъиян ман қилинади.

Банк иш куни якунланиб, баланс ҳисоботи тузилиб Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига жунатилганлигидан сўнг, хато ёзувлар аниқланган ҳолларда, ушбу хато ёзувлар киритилган ҳисобварақларга эртаси банк иш куни тескари бухгалтерия ёзувлари киритиш(сторно бериш) йўли билан, тузатиш мемориал ордерлари асосида тўғриланиши лозим. Бундай ҳолларда ҳисобварақлардан суммалар мижозларнинг розилигисиз ҳисобдан чиқарилади. Бу ҳақда банк билан мижоз ўртасида тузилган шартномада кўрсатиб утилган бўлиши шарт. Тузатиш ордерлари, агар мижозларга битта банк филиали хизмат кўрсатса тўрт нусхада тузилиши лозим. Уларнинг биринчи нусхаси ордер бўлиб хизмат қилади, иккинчи ва учунчи нусхалари мижозлар учун дебет ва кредит ёзувлари бўйича билдиришномалар бўлиб ҳисобланади, тўртинчи нусхаси эса ордер китобчасида қолади. Бу китобча бош бухгалтер ёки унинг ўринбосарида сақланиши лозим. Ордерларга бошқа ҳужжатлардан фарқланадиган тартиб рақамлари қўйилиши шарт.

Тузатиш ордерлари матнида қачон ва қайси ҳужжатларда хато ёзувга йўл қўйилгани кўрсатилиши шарт. Агар унга мижоз аризаси сабаб бўлган бўлса, шу сабаб кўрсатилади. Бунда мемориал ордернинг тўртинчи нусхасининг орқа томонига кимнинг айби билан хатоликка йўл қўйилганлиги қайд этилади, ижрочининг, шунингдек нотўғри ёзувни назоратдан ўтказган шахснинг лавозими ва фамилияси кўрсатилади. Тузатиш мемориал ордерлари тузилишида асос бўлган аризалар китобга тикилган мемориал ордерлар билан бирга сақланиши лозим.

Суммаси кейинчалик тескари бухгалтерия ўтказмалари билан тузатилган шахсий ҳисобварақдаги хато ёзув қаршисига албатта «Тўғриланган» белгиси қўйилиши, тўғрилаш киритилган сана ва тўғриланган мемориал ордерининг рақами кўрсатилган бўлиши шарт. Бу қайд тўғриланган мемориал ордерини имзолаган бош бухгалтер ёки унинг ўринбосари (бўлим бошлиғи) имзоси билан тасдиқланади. Бош бухгалтер тўғриланган мемориал ордерларнинг китобчада қолган нусхаларидан

фойдаланиб, ходимлар ишидаги хатолар ҳисобини юритади ва ушбу хатолар сабабларини ўрганиб ишини яхшилаш чораларини кўради.

Банклараро ва филиаллараро электрон тўловлар бўйича хатоларни мемориал ордерлар билан тўғрилаш қатъиян ман қилинади. Банклараро ва филиаллараро электрон тўловлар бўйича хатоларни тўғрилаш учун хатоликка йўл қўйган (ташаббускор) банк филиали, хато электрон тўлови жўнатилган (бенифициар) банкка «Lotus – Notes» алоқа электрон почтаси орқали хато ўтказилган тўлов тўғрисидаги маълумотни кўрсатган ҳолда хато юборилган тўлов ҳужжатини қайтариш тўғрисида илтимоснома хати жўнатади. Бу ҳолда, хато ўтказилган маблағни қайтарилмаслигидан қатъи назар, ташаббускор банк маблағни хатолик аниқланган кундан кейинги банк иш кунидан кечиктирмасдан «19997 - Бошқа активлар» ҳисобварағи орқали олувчининг ҳисобварағига ўтказиши шарт.

Бухгалтерия ҳисоби операцияларини, жараёнларини қандай бажарилишини назорат қилиш, бухгалтерия ишларини ташкил этиш вазифасининг бевосита ва ажралмас қисми ҳисобланади. Назоратсиз бухгалтерия ишини тўғри ташкил қилиб бўлмайди. Ҳар қандай ҳисоб – китоб ишлари текширишган ва назорат қилишга муҳтож. Чунки ҳисоб – китобни инсон бажаради, инсон эса ўзининг табиатига кўра синовга назоратга мойил, инсонни унинг фаолияти устидан текшириб назорат қилиб туриш табиатида мавжуддир. Шунинг учун ҳам бажарган, бажараётган ва бажариши керак бўлган бухгалтерия ишларини ўз вақтида сифатли ва ҳолисона бажарилишини доимий назоратда тутиш лозим.

Банкларда бажарилаётган бухгалтерия операцияларининг барчаси харажат ва даромад билан боғлиқ. Қилинган ҳар бир бухгалтерия ўтказмаси, операцияси пировард натижаси даромадга ва харажатга таъсир этади. Шунинг учун ҳам банкларда бухгалтерия ишларини ташкил этишнинг ажралмас қисми бўлган бухгалтерия операцияларининг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш жуда зарур.

Банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда бухгалтерия операцияларини дастлабки, жорий ва якуний (сўнгги) назоратдан ўтказилади.

Бухгалтерия операцияларини дастлабки назоратдан ўтказиш тартиб. Дастлабки назорат фронт офис ходимлари ёки масъул ижрочи бухгалтер томонидан операцияларни бажармасдан олдин уларнинг самарадорлигини, банкнинг ички сиёсатига ҳамда амалдаги қонунчиликка мос эканлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Агар операциялар хорижий валютада халқаро шартномалар асосида амалга оширилса, шартнома шартларига риоя қилиниши шарт.

Мижозлардан пул ҳисоб – китоб ҳужжатларини қабул қилишда уларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг норматив - ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган шаклдаги бланкада ёзилиб тўғри расмийлаштирилганлиги, барча реквизитлар тўлиқ ва тўғри тулдирилганлиги пул ҳисоб – китоб ҳужжатларида бўйлаб, чизиш ва тузатишга йўл қўйилмаганлиги, шу жумладан ҳисобварақни тасарруф этувчиларнинг имзолари ва муҳр изи тақдим этилган намуналарига мос келиши текширилади.

Агар мијоз тақдим қилган пул ҳисоб - китоб ҳужжатларида белгиланган талабларга зид камчилик ва нуқсонлар айниқса, тўлов ҳужжатлари мијозга ижрога қабул қилинмасдан қайтарилиши лозим. Суммаси, мијозлар номи ва уларнинг ҳисобварақлари рақами ўзгартирилган тўлов ҳужжатлари, хатто мијозлар томонидан ўзаро келишган тартибда тузатиш киритилган бўлса ҳам ижро учун қабул қилинмайди.

Тўлов талабномалари санаси банк қабул қилган санага мос тушадиган реестр бор бўлган ҳолатда инкассага қабул қилинади.

Агарда банк ҳисобварағи шартномасида бошқача тартиб кўзда тутилмаган бўлса, тўлов топшириқномаси банк томонидан мијознинг талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварағда тўлов учун етарли маблағлар мувжуд бўлгандагина қабул қилинади. Бюджетга ва бюджетдан ташқари

жамғармаларга тўловлар бўйича тақдим қилинган тўлов топшириқномалар миқдорнинг ҳисобварағида тўлов учун етарли маблағ бўлмаганда 2 – сон картотекага кириш қилинади.

Тўлов топшириқномалар ва нақд пулни қўйиш учун фойдаланиладиган эълонларни санаси уни банкка тақдим этилган санаси билан бир хил бўлиши керак, акс ҳолда улар ижро учун қабул қилинмайди (олдинги иш кунида «кечки» муҳр билан ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар учун қабул қилинган тўлов топшириқномалари бундан мустасно)

Масъул ижрочи бухгалтер ёки фронт–офис ходими тўлов ҳужжати нусхаларини имзолашдан олдин, уларни солиштириб, ўзаро бир хиллигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Шундан сўнг, ижро этиш санаси кўрсатилган ҳолда масъул ходим имзоси билан тасдиқланган ва унга бириктирилган банк штампи қўйилган ҳужжатнинг охириги нусхаси миқдорга қайтарилади. Ушбу нусха ҳужжатлар ижро учун қабул қилинганини тасдиқловчи тилхат вазифасини бажаради.

Нақд пул берилишда ишлатиладиган чеклар тулдирилган кундан бошлаб, (тулдирилган куни ҳисобга олмаган ва ҳужжатда кўрсатилган сана тўғриланмаган ҳолда)<sup>10</sup> календар кун давомида банк томонидан қабул қилинади. Масъул ходим қабул қилиб олинган нақд пул чеки санасини, чекни топширган хўжалик субъектининг номини ва ҳисобварақ рақамини, олинадиган маблағларнинг рақам ва сўз билан ёзилган суммасини текширади, чекдаги имзолар ва муҳр изини ўзидаги имзо намуналари билан солиштириб чиқишлари керак. Шунингдек нақд пул чекларини белгиланган тартибда расмийлаштирилганлигини текшириб чиқади.

Фронт-офис ходими ёки масъул ижрочи бухгалтер миқдорлардан қабул қилинган барча пул ҳисоб - китоб ҳужжатларининг асл нусхаларига асосан маълумотларни дастурга киритади ва тўлов ҳужжатларини имзолаб, электрон тўлов тизими орқали уларни жорий назоратдан ўтказиш учун Бэк - офис ёки назоратчи бухгалтерга юборади.

Бухгалтерия операцияларини жорий назоратдан ўтказиш Бэк - офис ходими ёки назоратчи бухгалтер, банк ички ҳужжат айланиши тартибига асосан Фронт–офис ёки масъул ижрочи бухгалтердан келиб тушган пул ҳисоб - китоб ҳужжатларининг асл ва электрон нусхаларини қабул қилгандан кейин назоратни амалга оширади. Жорий назоратда дастлабки назоратдан ўтказилган тўлов ҳужжатларининг тўғри расмийлаштирилганлиги қайтадан текширилади ҳамда улардаги имзолар ва муҳр изини ўзларида мавжуд имзолар ва муҳр изи намуналари билан солиштирилади. Тўлов ҳужжатларининг асл нусхасида Фрон - офис ходими ёки масъул ижрочи бухгалтернинг имзоси ва штампи борлигини ҳамда уларнинг ўзида мавжуд бўлган имзо намуналарига мос келишини текширади. Шунингдек, Фронт–офис ходими ёки масъул ижрочи бухгалтер пул ҳисоб - китоб ҳужжатларида бўйш, чизиш ва тузатишга йўл қўйилмаганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Бэк-офис ходими ёки назоратчи бухгалтер нақд пул чеки ва эълонномани ўрнатилган тартибда текшириб, уларнинг имзолаб фронт – офис ходими ёки масъул ижрочи бухгалтерга қайтаради. Бэк-офис ходими ёки назоратчи бухгалтер томонидан банкнинг ички молия – ҳўжалик операциялари бўйича келиб тушган тўлов ҳужжатларининг асл ва электрон нусхалари ҳамда ушбу операцияларини амалга ошириш учун асос бўлган банк тегишли бўлинмаларининг Хизмат фармойишларининг нусхалари тўғри расмийлаштирилганлиги, хато ва камчиликлар йўқлиги текширилади.

Пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхалари ёки уларнинг электрон файлида хато ва камчиликлар аниқланганда, Бэк-офис ходими ёки назоратчи бухгалтер тўлов ҳужжатиининг асл нусхасига имзо чекмасдан уланинг хато ва камчиликларини кўрсатган ҳолда фронт-офис ёки масъул ижрочи бухгалтерга ижросиз қайтаради.

Бэк-офис ходими ёки назоратчи бухгалтер томонидан жорий назорат натижалари ижобий бўлган тақдирда, у тўлов ҳужжатиининг асл нусхасига

имзо чекади ва уни Бэк-офис бошлиғига ёки бош бухгалтерга тасдиқлаш учун жунатади.

Бэк-офис бошлиғи ёки бош бухгалтер белгиланган тартибда расмийлаштириб, дастлабки ва жорий назоратдан ўтган пул ҳисоб - китоб ҳужжатларининг асл ва электрон нусхаларини қабул қилиб олади ва ушбу тўлов ҳужжатида қонунчилик ҳамда банкнинг ички сиёсатида ўрнатилган талабларга риоя қилиниши бўйича умумий назоратни амалга оширади.

Банк операцияларини якуний назоратдан ўтказиш. Банкларда амалиёт куни якунлангандан сўнг, кунлик операция ҳужжатлари ўрнатилган тартибда тикилиб ва расмийлаштирилиб якуний назоратдан ўтказиш учун якуний назорат хизмати ходимларига топширилади. Ва уларга электрон маълумотлар базасига кириш учун рухсат берилади. Якуний назорат хизмати томонидан кейинги банк иш кунидан кечикмаган ҳолда электрон маълумотлар базасига кириб, банкда амалга оширилган барча операциялар Бош ва ёрдамчи китоблардаги амал қилиб турган шахсий ҳисобварлақларда тўғри аск этирилганлигини пул ҳисоб – китоб ҳужжатларининг асл нусхалари билан солиштириб текширишдан ўтказилиши шарт. Текшириш натижасида дастурий баённома билан расмийлаштирилиши ва кунлик йиғмажилдга тикилиши шарт. Кунлик чоп этилиб, йиғмажилдга тикилган баланс маълумотлари билан унинг электрон баланс маълумотлари бир бирига мос келмаган ҳолда, зудлик билан раҳбариятга маълумот берилади ва шу куннинг ўзида унинг сабаблари тўғрисида Бэк-офис бошлиғи ёки бош бухгалтер ва Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари иштирокида далолатнома тузилади. Булардан ташқари, якуний назорат ходими банк операцияларини бажариш учун асос бўлган барча ҳужжатларини талаб қилишга ва улар асосида операциялар қанчалик даражада тўғри ва мақсадга мувофиқ бажарилганлиги бўйича банк раҳбариятга хулоса бериши мумкин.

Банк операцияларини амалга оширишда жавобгарли. Банк операцияларини амалга ошириш учун асос бўладиган барча пул ҳисоб -

китоб ҳужжатларини расмийлаштирган ҳамда имзоланган шахслар, уларнинг ўз вақтида тўғри ва аниқ тузилиши, белгиланган муддатларда ижро учун топширилиши, шунингдек операцияларни бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттириш бўйича жавобгардирлар. Мижозларнинг талаб қилиб олгунча ҳисобварағида маблағ олувчиларнинг розилиги мавжуд бўлганидан қатъий назар, маблағлар олувчиларнинг талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварағини четлаб ўтган ҳолда мижознинг топшириғи бўйича учунчи шахс томонидан тўловларни амалга оширишга йўл қўйилмайди, қонунда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## **2.2. Тижорат банклари фаолиятини ўзига хос хусусиятларининг бухгалтерия ҳисоби услубиёти ва таҳлилига таъсири**

Ҳар қандай банк ҳам Ўзбекистонда шаклланаётган замонавий тезкор бозорга киришиб кета оладими, жаҳон иқтисодий интеграцияси устунликларини фойдалана оладими? Бу саволларга ижобий жавобни фақат бозор иқтисодиёти ривожланиши шароитида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тўғри ва оқилона ташкил этилганда олиш мумкин. Албатта, банк бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи методологиясининг принципиал саволларини ҳал қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банк зиммасига юклатилган. Шундай бўлсада ҳар бир алоҳида олинган тижорат банки бухгалтерия амалиётда юзага келаётган янги вазиятларга тайёр бўлиши лозим.

Тижорат банкларининг фаолияти бевосита мижозлар фаолияти билан боғлиқ бўлиб, уларга хизмат кўрсатишга асосланади. Мижоз билан муносабатда банк шерик сифатида иштирок этиб, фаолият икки томонлама эркинликка ва ўзаро қизиқишга асосланиши лозим. Банк билан мижознинг узок муддатли шерикчилик муносабатлари ўзаро ишончга асосланиб, банк ресурсларидан тўғри ва оқилона фойдаланиб, маблағларни мақсадли жойлаштиришга ва фойдани оширишга ҳаракат қилиши керак.

Тижорат банклари фаолиятини ҳисобга олиш бухгалтерия ҳисобининг тамойилларига асосланади. Тижорат банклари бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда қуйидаги тамойилларга эътибор бериш лозим деб ўйлаймиз:

– банкларнинг фаолиятини белгиланган меъёрга ўз ва жалб қилинган маблағлар ҳисобига амалга ошириш - бунда тижорат банкларининг ўз маблағлари банк ресурслари ичида кам салмоқни ташкил этади. Тижорат банклари аҳолининг, хўжалик юритувчи субъектларининг ҳамда давлатнинг маблағларини ўзига жалб қилиб олиб уни трансформация қилади. Яъни, маблағларга эҳтиёж сезаётган банк, корхона, ташкилот, муассаса, аҳоли ва давлатга қарзга бериб туради ёки улар фаолиятига инвестиция қилади.

– арзонроқ олиб, қимматроқ сотиш - бунда банклар ресурсларни жалб қилаётганда уларга маълум бир миқдорда ҳақ тўлайди, уларни ўз номидан маълум бир ҳақ эвазига жойлаштиради, олинган ва берилган тўлов ўртасида фарқ мусбат бўлиши лозим.

– ўз маблағлари билан риск қилган ҳолда миқдорнинг маблағлари билан риск қилиш мумкин эмас - бу тамойилда банклар жалб қилган маблағлар билан иш кўриб уларни қайтиб келмаслик ҳолатида йўқотишлари мумкин. Банк ўз маблағларини riskли операцияларга жойлаштиришлари мақсадга мувофиқ.

– барчаси миқдор учун, унга ҳар доим тез ва сифатли хизмат кўрсатиш - банк фаолияти миқдорларнинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ, чунки миқдор бўлмаса банк ҳам бўлмайди. Миқдор фаолияти даромадли бўлган тақдирдагина банк ҳам даромад олиш имкониятига эга бўлади. Банк миқдорнинг даромад олиш имкониятини яратар экан, у фақат миқдорнинг манфаатларини эмас, балки ўз манфаатларини ҳам амалга оширади.

– банкнинг миқдор билан муносабати ўзаро тенглик, манфаатдорлик тамойили асосида ташкил этилиши лозим - миқдор банкка муносабат қилганда унга ишонч билан шерикчилик муносабатларини ўрнатишга ҳаракат қилади.

Бу ўз навбатида банкнинг мижозлари сони кўпайишини ва унинг банклараро рақобатда ютиб чиқишда ёрдам беради.

Юқорида кўриб ўтилган банк фаолияти тамойиллари жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётни модернизация қилиш орқали ривожлантириш шароитида банкнинг ўз фаолиятини такомиллаштиришда ўз аҳамиятини йўқотмайди. Банкнинг ушбу қоидаларга риоя қилиши банк фаолияти самарадорлигида намоён бўлади.

Банклар ўз фаолиятини олиб бориш жараёнида қандай натижага эришгани, маблағлари ҳаракати, уларнинг манбаи тўғрисида тезкор ва сифатли маълумотга эга бўлиши лозим. Ушбу маълумотларни бухгалтерия ҳисоби таъминлаб беради.

Банкларда бухгалтерия ҳисоби иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги бухгалтерия ҳисоби билан чамбарчас боғлиқ. Бу боғлиқлик банкларнинг касса, ҳисоб-китоб, кредит операциялари бўйича корхона, ташкилот, муассасаларга хизмат кўрсатишда намоён бўлади. Банклар юқоридаги операцияларни амалга ошириши банк, корхона, ташкилот ва муассаса бухгалтерия ҳисобида ўз аксини топади. Банк балансининг актив ва пасив томонида акс эттирилган банк операциялари корхона ва ташкилотлар балансидаги маълумотлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб бир-бирига мос келади. Банк мижозлари шартнома асосида олиб борган ҳар бир операцияси бўйича банкдан тегишли бирламчи ҳужжатларни олади ва шу ҳужжатлар асосида ўзи амалга оширган хўжалик операцияларни ҳисобга олади.

Фикримизча, банк бухгалтерия ҳисоби оперативлиги, тузилиши ва бир ҳиллиги билан характерланади. Бу барча операцияларнинг амалга оширилган куннинг ўзидаёқ ёрдамчи китоб материалларида акс эттирилиб, бош китоб маълумотлари билан назорат қилиб борилишида намоён бўлади. Шунингдек, банк муассасаларида ҳисоб тизими шуниси билан аҳамиятлики, уларда фақат молиявий ресурсларни бошқариш эмас балки ҳисобнинг банк бўлимлари ва фаолият соҳаларига кириб кетишидир. Ўз операцияларини ҳисоб журналида

ёки компьютер тизимида акс эттирганда молиявий муассасанинг барча операцион бўлинмалари ҳисоб учун маълумот шакллантиради.

Банк бухгалтерия ҳисобининг ҳозирги иқтисодий ривожланиши босқичида банк мулканинг ҳолати ва ҳаракати, пул маблағлари, кредитлар, фондлар, молиявий натижалар ва бошқа бир қанча амаллар тўғрисидаги ахборотлар оқимини ифодалаб, банк фаолиятини бошқариш, назорат қилиш, таҳлил қилиш ва режалаштириш мақсадида шакллантирилади. Тижорат банклари фаолиятининг асосий тамойилларини тизимлаштирилган ҳолда бухгалтерия ҳисобини асосий вазифаларини қуйидагича гуруҳлаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Жумладан:

- ўз ва жалб қилинган маблағлардан унумли фойдаланиш ва улар устидан назоратни таъминлаб бериш;
- олинган даромад ва қилинган харажатлар тўғрисидаги маълумотлар асосида режалаштирилган ликвидлилик ва рентабеллик даражаси орқали банк даромадлигини таҳлил қилиш ва назорат қилиш;
- банк мулки ҳолати ва ҳаракати устидан назоратни ўрнатишни таъминлаш;
- бажарилган операциялар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида ўз вақтида ҳамда аниқ акс эттирилишини таъминлаш;
- бухгалтерия ҳисоботининг ички ва ташқи фойдаланувчилари учун банк муассасасининг фаолияти ва мулкый ҳолати тўғрисида батафсил, аниқ ва мазмунли маълумотни шакллантириш.

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини юритишда ушбу вазифаларнинг тўлиқ ва тўғри бажарилиши банк фаолиятини ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратади.

Бизнингча, банклар ўз фаолиятини асосан четдан жалб қилинган маблағлар ҳисобига амалга ошириши банк бухгалтериясига ўз таъсирини кўрсатади. Шу сабабли банк бухгалтерия ҳисобварақлари режасидаги ҳисобварақларнинг аксарияти мижозлар маблағларни ҳисобга олишга мўлжалланган.

Банклар банклараро бозорда рақобатнинг кучайиши, банк операцияларнинг кўпайиши, хизмат кўрсатиш сифатининг ошиши, ҳар бир миқдор учун кураш кетаётганлиги ўз фаолиятини доимий равишда назорат қилиш, таҳлил қилиш ва асосда янги банк хизматларини таклиф қилиш, янги банк филиалларини очиш, самарасиз фаолият кўрсатаётганларини эса ёпиш, мининг банкларни очиш ҳамда банкни ривожлантириш учун барча чоратadbирлар кўрилади.

Тижорат банклари фаолияти таҳлил қилинаётганда маълумотлар тезкорлик билан олиш имконияти мавжудлиги бевосита таҳлил услубига таъсир кўрсатади. Шунингдек, банк бухгалтерия ҳисоби компьютерлаштирилганлиги маълумотларнинг тез қайта ишлаш имкониятини яратади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган айрим тижорат банклари маълумот узатиш учун ўз ички тизимлари мавжуд. Ушбу тизим орқали банк ходимлари банк ҳолати ҳақида керакли бўлган маълумотларни олади ва ундан таҳлил қилишда фойдаланади.

Банк маълумотларидан ташқи фойдаланувчилари эса, айниқса банк миқдорлари йил якунланиб, акциядорлар умумий йиғилиши бўлиб ўтгандан сўнггина матбуотда эълон қилинадиган ҳисоботдан фойдаланишлари мумкин.

Хулоса қилиб айтганда тижорат банклари барча хўжалик юритувчи субъектлари қатори ўз фаолиятини ўз даромадини кўпайтиришга ва шу асосда, биринчидан, ўз таъсисчилари – акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашдан, иккинчидан, банк фаолиятини ривожлантиришдан иборат. Банк фаолиятини юритиш тезкор характерга эга эканлиги унинг фаолиятини бошқариш учун тезкор ва аниқ маълумотлар бўлишини тақозо этади. Бу маълумотни бухгалтерия ҳисоби таъминлаб беради. Бухгалтерия ҳисоби маълумотларига асосан банк фаолияти таҳлил қилинади, ривожлантириш истиқболлари белгиланади ва бошқарилиб борилади.

### 2.3. Банкларда молиявий натижаларни ҳисобга олиш ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда қўлланиладиган халқаро стандартлар

Тижорат банкларининг молиявий натижаси бошқа барча хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаси сингари аниқланади. Фаолиятнинг якуний натижаси фойда ёки зарарни ҳисоб–китоб қилишнинг анъанавий шакли қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Фойда (зарар)} = \text{даромад} - \text{харажат}$$

Якуний молиявий натижани ушбу формула бўйича ҳисоб–китоб қилиш бошқарувчи, таъсисчи, молиявий бошқарув, таҳлил билан шуғулланувчи шахслар ва бошқа манфаатдор шахслар учун керакли бўлган маълумотни бермайди. Шунинг учун молиявий натижани ҳисоб–китоб қилиш учун манфаатдор шахслар ўз тартиб–қоидаларини белгилайди. Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий натижани асосан солиқ қонунчилигидан ва бухгалтерия ҳисоби стандартларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб–китоб қилади. Шунингдек, молиявий натижа молиявий бошқарув ва иқтисодий таҳлил мақсадларидан келиб чиқиб ҳисоб–китоб қилинади.

Фикримизча, банкнинг якуний молиявий натижасини аниқлашнинг умумий математик моделини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\text{Фойда (зарар)} = \left( \sum_1^n D_{\phi} + \sum_1^n D_{\phi c} \right) - \left( \sum_1^n X_{\phi} + \sum_1^n X_{\phi c} + \sum_1^n X_o \right)$$

Бу ерда:  $D_{\phi}$  ва  $D_{\phi c}$  банк фойзли ва фойзсиз даромади;

$X_{\phi}$ ,  $X_{\phi c}$  банк фойзли ва фойзсиз харажатлари;

$X_o$  эса операцион харажатлар;

1...n лар даромад ва харажатларнинг турлари ёки сегментлари.

Ўз навбатида:

$$\sum_1^n D = D_1 + D_2 + \dots + D_{n-1} + D_n$$

бунда;  $D_1 \dots D_n$  банк даромадларининг турлари

$$\sum_1^n X = X_1 + X_2 + \dots + X_{n-1} + X_n$$

бунда;  $X_1 \dots X_n$  банк харажатларининг турлари

Масалан, банк даромадлари шартли бирликда  $D_1=4250$ ,  $D_2=3420$ ,  $D_3=7920$ ,  $D_4=1635$ ,  $D_5=2910$ ,  $D_6=1100$  бўлса, банк харажатлари эса  $X_1=2600$ ,  $X_2=4850$ ,  $X_3=1340$ ,  $X_4=6006$ ,  $X_5=4015$  бўлса.

Жами банк даромади  $\sum_1^n D = 4250 + 3420 + 7920 + 1635 + 2910 + 1100 = 21235$ га,

харажатлар эса  $\sum_1^n X = 2600 + 4850 + 1340 + 6006 + 4015 = 18811$ га тенг бўлади.

Фойда (зарар)  $\sum_1^n D - \sum_1^n X = 21235 - 18811 = 2424$ га тенг бўлади.

Юқоридаги формуладан кўриниб турибдики, якуний молиявий натижа жами банк даромади ва харажати ўзида намоён қилади ҳамда ушбу ҳисоб-китобда барча даромад ва харажатларни ташкил этувчи сегментлари қатнашади. Синки (1994) АҚШ банкларининг одатий фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот формаси қуйидаги кўринишда қарайди: фоизли даромад (ФД), Фоизли харажат (ФХ), соф фоизли даромад (ФД–ФХ), ссудалар бўйича зарарларни қоплаш захираси (ЗҚЗ), ссудалар бўйича зарарларни қоплаш захираси шакллантирилгандан кейинги соф фоизли даромад (ФД–ФХ–ЗҚЗ), фоизсиз даромад (ФсД), фоизсиз харажат (ФсХ), Фоиз билан боғлиқ бўлмаган соф даромад (ФсД–ФсХ), қимматли қоғозлар бўйича даромад ёки зарарларни ҳисобга олмаган ҳолда ва солиқларни тўлагунга қадар даромад (ФД–ФХ)–ЗҚЗ+(ФсД–ФсХ), даромад солиғи (ДС), банк операцион фаолияти бўйича соф даромад (ФД–ФХ)–ЗҚЗ+(ФсД–ФсХ)–(ДС), қимматли қоғозлардан даромад ёки зарар (ҚҚД), соф даромад (СД)  $СД = (ФД–ФХ)–ЗҚЗ+(ФсД–ФсХ)–(ДС) + /-(ҚҚД)$ , дивидендлар (Д), тақсимланмаган фойда (ТФ)  $ТФ = СД–Д$ .

Ушбу ҳисобот шаклидан молиявий натижанинг қуйидаги кўрсаткичларини алоҳида кўрсатиш мумкин:

- Соф фоизли даромад;
- Ссудалар бўйича зарарларни қоплаш захираси шакллантирилгандан кейинги соф фоизли даромад;
- Фоиз билан боғлиқ бўлмаган соф даромад;
- Қимматли қоғозлар бўйича даромад ёки зарарларни ҳисобга олмаган ҳолда ва солиқларни тўлагунга қадар даромад;
- Банк операцион фаолияти бўйича соф даромад;
- Қимматли қоғозлардан даромад ёки зарар;
- Соф даромад;
- Суммар тақсимланмаган фойда.

Бундан кўриниб турибдики, Синки (1994) банкнинг молиявий натижасини аниқлашнинг бу моделида солиқларни тўлаш нуктаи назаридан ва банкнинг қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларини алоҳида ҳисобга олган ҳолда ёндошган. Шунингдек, банкнинг фоизли ва фоизсиз даромадлари алоҳида кўрсатилган. Модел фонд бозори ривожланган ва банк операцияларининг асосий қисми бевосита шу операциялар билан боғлиқ бўлган давлатларда фойдаланиши мумкин.

Тижорат банкларида молиявий натижаларни шакллантиришни кўриб чиқаётганда, хорижий давлатлар банк тизимида молиявий натижалар кўрсаткичларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Соф фоизли даромадга соф фоизсиз даромадларни қўшиш орқали солиқ тўлагунга қадар фойдани аниқлаш орқали молиявий натижаларни шакллантириш кетма–кетлиги АҚШ банклари учун жуда кенг тарқалган ҳисобланади.

Бунда фоизсиз харажатларни соф фоизли ва операцион даромадлар суммасидан айирса янада асосланган бўлар эди, чунки фоизсиз харажатлар банкнинг умумий харажатлари ҳисобланади. Бундай моделда молиявий натижаларни шакллантириш жараёнини икки мустақил босқичга бўлиш мақсадга мувофиқ бўлади: соф операцион даромадни шакллантириш босқичи ҳамда операцион бўлмаган даромад ва харажатларни шакллантириш босқичи.

Жарковская (2005) фикрига кўра, Россия тижорат банкларида «Фойда ва зарарлар тўғрисида»ги ҳисоботга асосан молиявий натижаларни шакллантириш модели куйидаги кўринишга эга бўлади: фоизли даромад, фоизли харажат, соф фоизли даромад (1кат–2кат), бошқа операцион даромадлар (зарарлар), ялпи операцион даромад (зарарлар) (3кат+4кат), операцион харажатлар, соф операцион даромад (зарар) (5кат–6кат), кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини шакллантириш харажатлари, кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича фойда (зарар), солиқ тўлангунга қадар соф даромад (зарар) (7кат –8кат+/-9кат), даромад солиғи, соф фойда (зарар) (10кат–11кат), фойданинг тақсимланиши.

Банк даромадлари ва харажатларини бундай гуруҳлаштириш уларнинг асосий банк операцияларини ўтказишда қай даражада боғлиқлигини, шунингдек, оралик босқичларда олинаётган фойдани аниқлаш имконини беради.

Кўриб чиқилган моделлар якуний натижа, яъни банк соф фойдасини ўзгартирмайди. Соф фойдани шакллантириш моделлари фақат ҳисоб–китобларни амалга ошириш тартиби билан фарқланади.

Каримов (1998) молиявий натижаларни ҳисоб–китоб қилиш тартибини куйидаги кўрсаткичлар тизими асосида олиб боришни таклиф қилган: ялпи фойда, асосий фаолият бўйича фойда, давр харажатлари, умумхўжалик фаолияти натижаси, бошқа фаолият бўйича олинган фоизлар, молиявий фаолият натижаси (фойда, зарар), бошқа фаолият бўйича харажатлар, кўзда тутилмаган фавкулотдаги фойда (зарар), солиқ тўлангунга қадар бўлган натижа (фойда, зарар), солиқ, соф фойда (зарар), тўланган дивидентлар, тақсимланмаган фойда.

Ушбу кўрсаткичлар тизимида молиявий натижалар банк фаолияти турларига боғланган, унда ялпи фойда, асосий фаолият бўйича фойда, умумхўжалик фаолияти натижаси, молиявий фаолият натижаси, кўзда тутилмаган фавкулотдаги фойда, солиқ тўлангунга қадар бўлган натижа, соф фойда (зарар), тақсимланмаган фойда каби кўрсаткичлар аниқланади. Лекин,

банк фаолиятини таҳлил қилиш учун ушбу маълумотлар мос келмайди, чунки олинган даромадлар ва қилинган харажатларни солиштирганда улар ўртасида номутаносиблик мавжуд. Масалан, ялпи фойда кўрсаткичини аниқлаш учун берилган кредитдан олинган фоизлардан депозитлар бўйича тўланган фоизларни чегириб ташлаган. Банк депозитларга жалб қилган маблағларни фақат кредит операцияларни амалга ошириш учун ишлатмайди, ундан бошқа банк операцияларини амалга ошириш учун ҳам фойдаланади. Масалан, инвестиция, лизинг ва бошқа операциялар учун.

Хозирги кунда Ўзбекистон тижорат банкларида молиявий натижалар кўрсаткичларини шакллантириш алгоритми Марказий банк томонидан белгиланган молиявий ҳисобот шакллари ва бухгалтерия ҳисоби стандартларига асосланади. Жумладан, Марказий банк (2004) томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига банк назорати бўйича тақдим этиладиган тижорат банклари ҳисоботларини тўлдириш тавсиялари тўғрисида»ги (№ 584) Йўриқнома бўйича (0204IS) «Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот» шаклини тўлдириш тўғрисидаги методик кўрсатмалар асос бўлиб ҳисобланади.

Жадвал маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки, мамлакатимизда тижорат банклари молиявий натижаларини шакллантиришда даромад, харажат, фойда ва зарар кўринишида кўрсаткичлардан фойдаланилади. Банк даромадлари фоизли ва фоизсизга, харажатлар фоизли, фоизсиз ва операцияга ажратилади. «Фойда ва зарарлар тўғрисида»ги ҳисоботнинг 060–сатри ушбу жадвал маълумотларидан кўриб турганимиздек, соф фоиз даромади деб номланади, бу фоизли даромад фоизли харажатдан кўп бўлган ҳолатда тўғри бўлади.

2.2-жадвал

АТБ «Халқ банки»да «Фойда ва зарарлар тўғрисида»ги ҳисобот шаклида  
молиявий натижаларни шаклланиши таҳлили

млн. сўм

| №  | Кўрсаткичлар                                                    | 2013 йил  | 2014 йил  | 2015 йил  | 2016 йил  | 2017 йил   | 2017 йилда 2013<br>йилга нисбатан<br>ўзгариши |        |
|----|-----------------------------------------------------------------|-----------|-----------|-----------|-----------|------------|-----------------------------------------------|--------|
|    |                                                                 |           |           |           |           |            | млн. сўм                                      | фоизда |
| 1  | Фоиз даромади                                                   | 23 347,19 | 33 590,10 | 46 937,18 | 69 468,66 | 114 736,42 | 91 389,23                                     | 4,91   |
| 2  | Фоизли харажатлар                                               | 16 910,14 | 23 701,12 | 31 376,45 | 42 357,89 | 78 075,43  | 61 165,29                                     | 4,62   |
| 3  | Соф фоиз даромади                                               | 6 437,05  | 9 888,98  | 15 560,73 | 27 110,77 | 36 660,99  | 30 223,94                                     | 5,70   |
| 4  | Кредитлар бўйича эҳтимолий зарарларни (баҳолаш) қайта тиклаш    | 517,66    | 35,09     | 51,25     | 61,47     | 1 071,46   | 553,80                                        | 2,07   |
| 5  | Захирани баҳолаш чегириб ташлаганидан кейинги соф фоиз даромади | 5 919,40  | 9 853,89  | 15 509,49 | 27 049,29 | 35 589,53  | 29 670,13                                     | 6,01   |
| 6  | Фоизсиз даромад                                                 | 32 202,82 | 33 937,67 | 46 375,85 | 65 971,43 | 150 769,61 | 118 566,79                                    | 4,68   |
| 7  | Операцион харажатлар                                            | 22 361,23 | 27 392,61 | 39 053,45 | 54 537,16 | 84 820,29  | 62 459,06                                     | 3,79   |
| 8  | Даромад (фойда) солиғидан олдинги соф фойда (зарар)             | 13 183,25 | 11 714,09 | 14 805,10 | 21 036,90 | 27 932,69  | 14 749,44                                     | 2,12   |
| 9  | Даромад (фойда) солиғини баҳолаш                                | 1 118,04  | 2 233,94  | 2 306,21  | 3 479,25  | 4 747,61   | 3 629,57                                      | 4,25   |
| 10 | Соф фойда (зарар)                                               | 12 065,21 | 9 480,15  | 12 498,88 | 17 557,65 | 23 185,08  | 11 119,87                                     | 1,92   |

Бизнинг фикримизча, ҳар доим ҳам бундай бўлмаслиги, яъни фоизли даромадлар харажатлардан кам бўлиши мумкин. Бунда банк зарар билан чиқади. Биз молиявий натижаларни шакллантиришдаги ушбу мунозарали жиҳатнинг ечимини топиш мақсадида қуйидагиларни тавсия этамиз:

- амалдаги фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг 060–сатрини соф фоизли фойда (зарар) деб номлаш, ўз навбатида 080–сатрни эса захирани баҳолаш чиқариб ташлаганидан кейинги соф фоизли фойда (зарар) деб номлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

- 070–сатрда кредитлар бўйича эҳтимолий зарарларни (баҳолаш) қайта тиклаш суммаси, яъни 56802 - «Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш», 56814 - «Сотиб олинган дебиторлик қарзлари–Факторинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш», 56838 - «Лизинг (молиявий ижара) бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш», 56842 – «Суд жараёнидаги кредит ва лизинг (молиявий ижара) бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш» ҳисобварағларидаги йил бошидан шу санагача бўлган сумма акс эттирилади.

Соф фоизли фойда (зарар) таркибида кредит, лизинг, факторинг операциялардан ташқари бошқа операциялардан ҳам фоизли даромад олиш мумкин. Фикримизча, 070–сатрда 56804 – «Бошқа банклардаги ҳисобварақлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш», 56806 – «Олди сотди қимматли қоғозлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш», 56808 – «Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш», 56818 – «Сотиб олинган векселлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш», 56822 – «Импорт билан боғлиқ ва маҳаллий векселлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш», 56824 – «РЕПО битимлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш», 56826 – «Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозларга қилинган инвестиция бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш» ҳисобварақлардаги суммаларни акс эттириш лозим. 070–сатрни эса фоизли даромад келтирувчи активлар бўйича эҳтимолий зарарларни (баҳолаш) қайта тиклаш деб номлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

- «Фойда ва зарарлар тўғрисида»ги ҳисоботнинг 130– ва 140–сатрларини мос равишда фойда солиғидан олдинги фойда (зарар) ва фойда

солиғини баҳолаш деб номлаш мақсадга мувофиқ. Чунки ҳозирги кунда тижорат банклари даромад (фойда) солиғи эмас, балки фойда солиғини тўлаб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, молиявий натижалар бир-бири билан боғлиқ иқтисодий кўрсаткичлар тизимидир ва улар тижорат банкларида даромад ва харажатларни бир-бирига солиштириш орқали аниқланади. Молиявий натижани банк фаолиятини амалга ошириш натижасида юзага келадиган даромад, харажат, фойда ва зарар кўринишидаги иқтисодий кўрсаткичлар сифатида талқин қилиш, уни ҳисобга олишда ва таҳлил қилишда маълум бир кетма-кетликка асосланиши кераклигини кўрсатади. Ушбу кетма-кетлик молиявий натижаларни аниқлашда қайси мақсадларда ва ким томонидан белгиланган тартиб-қоидалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб қилинаётганига боғлиқ бўлади.

## **II боб бўйича хулосалар**

Тижорат банкларида молиявий натижаларни шакллантириш амалиёти тадқиқ қилиниб ва хорижий мамлакатлар тажрибаси билан қиёсий таҳлил олиб борилди. Тижорат банкларида молиявий натижалар бир-бири билан боғлиқ иқтисодий кўрсаткичлар тизимидир. Улар тижорат банкларининг “Фойда ва зарарлар тўғрисида”ги ҳисоботда ўз аксини топади. “Фойда ва зарарлар тўғрисида”ги ҳисоботнинг 060-сатр, 130-сатр, 140-сатрларнинг номлари ўзгартирилиши, 070-сатрнинг ҳам номи ўзгартирилиб, унда фоизли даромад келтирувчи активлар бўйича эҳтимолий зарарларни (баҳолаш) қайта тиклашни акс эттириш мақсадга мувофиқлиги асосланди.

3. Тижорат банклари фаолиятини ҳисобга олишда бухгалтерия ҳисобининг тамойилларига асосланади. Ушбу тамойиллар таҳлил қилиниб, тижорат банклари бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда қуйидаги тамойилларга эътибор бериш лозим деб ўйлаймиз:

- банкларнинг фаолиятини белгиланган меъёردа ўз ва жалб қилинган маблағлар ҳисобига амалга ошириш;

- арзонроқ олиб, қимматроқ сотиш;
- ўз маблағлари билан риск қилган ҳолда миждознинг маблағлари билан риск қилиш мумкин эмас;
- барчаси миждоз учун, унга ҳар доим тез ва сифатли хизмат кўрсатиш;
- банкнинг миждоз билан муносабати ўзаро тенглик, манфаатдорлик тамойили асосида ташкил этилиши лозим.

Юқорида кўриб ўтилган банк фаолияти бухгалтерия ҳисоби тамойиллари жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётни модернизация қилиш орқали ривожлантириш шароитида банк фаолиятини ривожлантиришда ўз аҳамиятини йўқотмайди. Банкнинг ушбу қоидаларга риоя қилиши банк фаолияти самарадорлигида намоён бўлади.

### **III-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ҲИСОБ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

#### **3.1. Тижорат банклари ҳисоб сиёсатидаги мавжуд муаммолар**

Ҳисоб сиёсатини танлаш ахборот таъминоти асосида амалга оширилади, бунда ҳисоб аналитик таъминоти тизими марказий бўғин сифатида намоён бўлади. Ҳисоб сиёсатини танлаш жараёнини ахборот таъминоти бухгалтерия ва статистик ҳисоб маълумотлари, турли маркетинг ахборотларини ўз ичига олади. Ҳисоб сиёсатини шаклланишида ахборот таъминотининг асосини биринчи навбатда бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ташкил этади. Бухгалтерия ҳисоби ва бошқарув қарорларини қабул қилишдаги узвий боғлиқлик айнан шу билан белгиланади, чунки бошқариш учун бошқа омиллар билан бир қаторда, зарур ахборотларга эга бўлиш талаб этилади. Бунда тадқиқ этилаётган ахборот, аналитик қайта ишлаш йўли билан қайта ўзгартирилади.

Кенг маънода ҳисоб сиёсатини танлашни ахборот таъминоти деганда ахборот ресурслари ва улардан фойдаланиш усулларининг яхлитлиги тушунилади.

Ҳисоб сиёсатини танлашда фойдаланиладиган ахборот учун қўйилган вазифани ҳал этиш талабларига мос келиш мезони муҳим бўлиб ҳисобланади. Молиявий ахборот қимматини икки асосий йўналиш бўйича аниқлаш мумкин.

1) семантик – ахборотни ишончлилик даражасининг сифат баҳоси, унинг мазмунан қимматлилик даражаси;

2) прагматик – ахборотдан фойдаланишнинг кўлами, даврийлиги, хўжалик фаолиятининг ахборот таъминоти учун сарфланган харажатлар миқдори.

Технологик нуқтаи назардан банкларда бухгалтерия ҳисобини амал қилиш тизими маълумотларини узлуксиз равишда умумлаштириш жараёни сифатида намоён бўлади. Бунда бухгалтерия маълумотларини умумлаштиришнинг оқилона даражасини топиш ўта муҳимдир. Агар

маълумотларни умумлаштиришнинг даражаси паст бўлса бухгалтерия ҳисоби тизимидаги маълумотлар айланмасини бир тизимдан чиқиши ва бошқара олинмаслигига олиб келса, ҳисобот маълумотлари юқори умумлаштирилса уларни аналитик ва ахборотлилиқ даражасининг кескин камайиши юз беради.

Ҳозирги шароитда банкларнинг барқарор, юқори самарали ахборот тизимига эга бўлиш эҳтиёжи ошиб бормоқда.

Лекин ахборот базасининг бугунги ҳолати бозор иқтисодиёти талабларига тўлақонли жавоб бермаётир, бу эса корхона ҳисоб сиёсатини танлашдаги ҳисоб таъминоти жараёнида ундан фойдаланишни мураккаблаштирмоқда. Бухгалтерия ҳисобининг миллий тизими самарали молиявий бошқарув ва иқтисодий таҳлил мақсадларига тўлиқ мослаштирилмаган. Бунда солиққа тортиш ва бухгалтерия ҳисоби услугиёти бўйича меъёрий ҳужжатларни номувофиқлиги стратегик режалаштиришдаги жиддий тўсиқ бўлиб ҳисобланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг бугунги бухгалтерия ҳисобида эришилган натижаларни иқтисодий таҳлил қилишга қаратилган ва асосан назорат вазифасини бажаради. Шунинг учун бухгалтерия ҳисобининг ахборот маълумотлари бир қатор ҳолларда банкларнинг ҳақиқатдаги молиявий ҳолатини баҳолаш имконини беради. Улар асосида ҳисобланган кўрсаткичлар қисқа вақт фойдаланилади ва етарли даражада тезкорлик касб етмайди.

Қайд этилган муаммонинг ечими сифатида бошқарув ҳисобини ривожлантириш деб эътироф этиш мумкин. Бу каби ҳисоб тизимини яратиш ва такомиллаштириш корхонани ҳисоб ахборот тизимини яратишдаги эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда ҳукумат ва корхоналар миқёсида мақсадли йўналтирилган тадбирларни амалга оширишни тақазо этади. Айниқса, ахборот истеъмолчиларнинг бир неча категориялари (статистика, солиқ органлари), мавжуд бўлган ҳозирги вазиятда ҳисоб ахборотини бўлинишига бу каби ёндашув янада долзарблиқ касб этади.

Ҳисоб сиёсатини танлашни аналитик жиҳатдан асослаш учун нафақат ҳисоб, балки ҳисобдан ташқари маълумотлардан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир. «Ҳисобдан ташқари маълумотлар» атамаси, бу каби маълумотлар бухгалтерия ҳисобининг ахборот тизими доирасидан ташқарида йиғилиши, жамланиши ва қайта ишланишини билдиради. Оммавий ахборот воситаларидан, маркетинг ва логистика хизматлари томонидан олинувчи ахборот маълумотларини улар таркибига киритиш мумкин.

Кўп сонли ҳисобдан ташқари маълумотлар, банклар ташқи муҳити ва бозор конъюнктурасини маълум даражада холисона баҳолаш имконини берувчи зарур аналитик материал бўлиб ҳисобланади.

Маркетинг – ахборот таъминоти асосида баҳо шаклланиш динамикаси ва бозор конъюнктураси таҳлили, турли бозор сегментлари сиғимининг ўзгариш тенденцияси таҳлили, сотиш тизимини ривожланиш йўналишлари ва самарадорлиги таҳлили, ҳар хил турдаги маҳсулотлар фойдалилиги ва уларни такомиллаштириш йўналишлари таҳлили, маҳсулот ва корхонани рақобатбардошлиги таҳлили каби молиявий маркетинг вазифаларини амалга оширилишига эришилади.

Ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари, шунингдек қўшимча ахборот маълумотларини баҳолаш ва изохлаш ҳар бир муайян банк учун мақбул бўлган ҳисоб сиёсатини танлаш жараёнини ахборот таъминотининг асоси бўлиб хизмат қилади.

Бизнинг фикримизча, компьютер техникасидан фойдаланиш билан техник ва дастурий воситалар банк ҳисоб сиёсатини танлаш жараёнини ҳисоб таъминотининг муҳим ташкил этувчиси бўлиб ҳисобланади. Улар ахборот маълумотларини ўз вақтида йиғилиши ва қайта ишланишини таъмин этади, ташкилотни молиявий-хўжалик фаолияти ва турли ривожланиш сценарийларидан фойдаланилиши кўзда тутилган ҳисоб сиёсатини танлашни компьютер режимида моделлаштириш имконини беради. Компютер технологиялари ёрдамида ҳақиқатдаги кўрсаткичларини режадагидан

оғишини автоматик тарзда аниқлаш ва стратегик вазифаларга эришиш мақсадида уларни таҳлилини амалга ошириш мумкин.

Хозирги вақтда, самарали ҳисоб сиёсатини шакллантиришга бўлган асосий ёндашувларни тўлақонли амалга ошириш имконини берадиган тўлиқ амал қилувчи Ўзбекистонга дастурий пакетлари технология маҳсулотлари бозорига кириб келди.

Амал қилувчи барча қуйи тизимлар, у ёки бу даражада ўзаро ва ягона маълумотлар базаси билан алоқадорликда бўлиб, хужжат айланмасининг умумий тизимиаро боғланган ва умумий маълумотнома (справочник) маълумотларидан фойдаланиладилар. Қуйи тизимлар ўртасидаги ахборот алмашинуви улар бажарадиган вазифалар, тизимда белгиланган тадбир ва алоқалар асосида амалга оширилади.

Шу тариқа, бухгалтерия ҳисобини компютерлашганлик даражаси самарали ҳисоб сиёсатини шаклланиш жараёнига катта таъсир кўрсатади. Ўз навбатида, ахборотни қайта ишлаш технологияси айнан ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида белгилаб қўйилади: қўл меҳнати ёки автоматлаштирилган усулда.

Банк ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишнинг пировард мақсади бўлиб, бошқарув ҳисоби ва таҳлилнинг самарали, интеграциялашган тизимини яратиш ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисоби тизими бошқарув таҳлили эҳтиёжларига мослаштирилади. Бошқарув ҳисоби счетлари бўйича ахборот йиғилади, мулкӣ мажмуанинг алоҳида элементлари, уни шаклланиш манбалари ва хўжалик амалиётлари бўйича баланс тузилади. Йиғилган ахборот жамлама баланс жадвалларида умулаштирилади (актив, пассив ва хўжалик амалиётларининг умумий категориялари бўйича). Биринчи босқичда йиғма жадваллар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- бошқарув баланси;
- молиявий натижалар тўғрисидаги бошқарув ҳисоботи;
- фондлар (жамғармалар) ҳаракати тўғрисидаги бошқарув ҳисоботи.

Биринчи босқич натижалари бўйича харажатлар, активлар қиймати, молиявий натижалар тўғрисидаги бирламчи маълумотлар олиниши мумкин.

Шундай қилиб, биринчи босқичда бошқарув таҳлили мақсадлари учун маълумотлар йиғилади. Йиғилган ахборотлар бирламчи қайта ишланади: аналитик коэффицентлар ҳисобланади ва алоқадорлик (функционал ва корреляцион боғлиқлик) аниқланилади.

Якуний босқичда бошқарув режалаштирилиши амалга оширилади, унда иккинчи босқичнинг «кўргазмали маълумотлари» таҳлил этилади ва бунинг асосида банкларнинг бошқарув сиёсати ишлаб чиқилади.

Ҳисоб сиёсатини танлашдаги ахборот таъминотининг муваффақиятли амал қилиши тегишли ташкилий кўмакни талаб этади.

Бозорнинг янги талабларига мувофиқ ҳисоб сиёсатини танлашдаги ҳисоб таъминотини ташкил этиш жараёнига янгича ёндашиш мумкин. Турли ихтисослашувдаги мутахассисларнинг кўп сонли гуруҳининг стратегик тафаккурига таянилиши унинг асосида ётади. Банкларнинг бош мақсадини доимий ҳисобга олгандаги бошқарувнинг барча даражаларида ҳисоб сиёсатини босқичма-босқич-параллел тарзда ишлаб чиқиш мазкур ёндашув негизини ташкил этади.

Шундай қилиб, ҳисоб сиёсатининг стратегик жиҳатлари кўпроқ молиявий бошқарувга қўшилиши лозим.

Бу каби бирлашув ҳисоб сиёсатини танлашдаги ҳисоб таъминотининг турли ташкилий шакллари кўринишларида амалга оширилиши мумкин:

- 1) юқори бошқарув органига бўйсинувчи, мустақил мухтор (автоном) бўлинмани тузиш;
- 2) ҳисоб сиёсатини танлаш бўйича бўлим таркиби махсус шўба тузиш (масалан, ички аудит хизмати таркибида);
- 3) ҳисоб сиёсатини шакллантириш шартнома мажбуриятлари асосида, ихтисослашган фирма зиммасига юклатиш.

Муайян шаклни танлаш индивидуал характерга эга. Шунингдек, молиявий стратегияни танлаш масалалари билан шуғулланувчи,

марказлаштирилган ахборот хизматлари билан ҳаракатлари келишилувчи ва аудитор вазифаларини бажарувчи иқтисодчи-аналитик лавозимини штатлар жадвалига киритиш, бундаги муқобил вариантлардан биридир.

Демак, ҳисоб сиёсатини танлашдаги юқоридаги қайд этилган ҳисоб таъминотини ташкил этиш шаклларида, бунинг бевосита иштирокчиси бўлган бош ҳисобчи, ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш билан бевосита ва билвосита шуғулланувчи барча бўлимлар фаолиятини асосий мувофиқлаштирувчиси (координатор) бўлиб ҳам ҳисобланади.

### **3.2. Тижорат банклари ҳисоб сиёсатини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштири йўллари**

Тижорат банклари ҳисоб сиёсати қуйидагича ёндошишни талаб этади, бизнинг фикримизча бу:

- бухгалтерия ҳисобининг назарий асосларини яратади;
- молиявий ҳисоботларни тузиш қоидалари бўлиб, умумқабул қилинган тамойилларни акс эттиради;
- фойдани ҳисоблаш бўйича умумий ёндошиш воситаси ҳисобланади;
- молиявий ҳисоб фундаментини, атамалар ва молиявий ҳисоботлар мазмунини ифодалайди.

Ушбу ёндошувларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги илмий таъриф шакллантирилди:

Маълумки, тижорат банкларининг молиявий ҳисоботларига қўйиладиган муҳим талаблардан бири бу унинг тушунарлилигидир. Фикримизча, молиявий ҳисоботлар фақат бухгалтер ёки аудиторлар учун учун мўлжалланмаслиги керак, у тадбиркорларга, менежерларга, маркетинг соҳасидаги ходимларга ва банкда ишлаётган бухгалтерия билан боғлиқ бўлган бошқа ходимларга ҳам тушунарли бўлиши лозим. Кўпгина мутахассислар тушунарлиликни барча сифат хусусиятларининг бошида бўлиши керак деб ҳисоблайди. Албатта, молиявий ахборот фойдали бўлиш

учун аввало тушунарли бўлиши керак. Бу ҳамма учун маълум ва маъқул бўлган табиий ҳол сифатида қабул қилинган. Лекин, Кенгаш томонидан ушбу масаланинг моҳиятини аниқлашга алоҳида эътибор берилади. Бунда албатта, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида қарор қабул қилувчи фойдаланувчилар иқтисодиёт, бизнес ва бухгалтерия ҳисоби соҳасида етарли даражада билим ва малакага эга ҳамда молиявий ҳисоботни қунт билан ўрганишга мойил ва таҳлил қилиш салоҳияти бор шахслар сифатида тасаввур қилинади. Айрим ҳолатда эса, молиявий ҳисоботдаги мураккаб ҳодисаларни аниқ тушуниш учун маслаҳатчи жалб қилишни инкор этмайди.

Амалдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги» қонуннинг 3-моддасида бухгалтерия ҳисобининг фақат учта тамойили (узлуксизлик, қиёсланувчанлик ва ишонччилик) келтириб ўтилади. Демак, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, тушунарлилик тамойилининг аҳамияти заруриятини инобатга олиб, биз ушбу қонун 3-моддасига қўшимча қилиб, «*тушунарлилик*» деган тамойилни ҳам киритилишини таклиф этамиз.

Ушбу берилган таклиф ўйлаймизки, банкларда молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этишга қўйилган мақсадга эришишда муҳим омиллардан бири бўлиб қолади. Бу эса банкларда турли фойдаланувчилар учун иқтисодий қарорларни қабул қилишда фойдали бўлган, банкнинг молиявий ҳолати, молиявий натижалари ва пул оқимлари тўғрисидаги маълумотларни таъминлаш имконини беради. Шунингдек, бундай тамойиллар асосида шакллантирилаётган молиявий ҳисоботлар банк раҳбарияти томонидан унга ишониб топширилган ресурсларни самарали бошқарилишини таъминлашга олиб келади.

Тижорат банкларида ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда халқаро стандартлардан фойдаланишни қуйидаги йўналишларда олиб бориш мумкин:

*биринчи*, банклар фаолиятига молиявий ҳисобот стандартларини ҳақиқий ҳолати (оригинал) бўйича тавсия қилиш ва уларни тўлиқ қабул қилиш;

*иккинчи*, халқаро стандартлардан фойдаланишдан бутунлай воз кечиш ва фақат МҲХС негизида банклар учун миллий стандартларни ишлаб чиқиш;

*учинчи*, банклар фаолиятига оид меъёрий ҳужжатларни (Марказий банк) МҲХС талабларига мувофиқлаштириш.

Бизнинг фикримизча, учинчи йўналиш кўп жиҳатдан аҳамиятли ва тўғри бўлиб, унда Марказий банк меъёрий ҳужжатларини МҲХСга мувофиқлаштиришда ўтиш даврининг хусусиятлари, янги инновацион ривожланиш йўлига ўтишда молия пул-кредит тизими, мулкчилик шакллари ва республика иқтисодиёти ҳолати ва бошқа омиллар ҳисобга олинади.

1. 18-сон МҲХС «Одатдаги фаолиятдан олинadиган даромад» номли стандартда тавсифланиши зарур бўлган ахборотларга қуйидагилар киритилган, жумладан, товарларни сотиш, хизматларни кўрсатиш ва бошқа томонлар субъектининг фоизлар, роялти ва дивидендлар кўринишидаги даромадларни келтирадиган активларидан фойдаланиш.

«Фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот»да (1-сон БҲХС) эса, фойда ёки зарар, жами бошқа умумлашган даромадлар ва жами фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадларни қамраб олган ҳолда, давр учун умумлашган даромадларни киритиш кўзда тутилади. Мазкур стандарт қоидаларини банклар фаолиятига қўллашда уларни тавсиф характерга эга эканлиги инобатга олинади. Биз қуйида банкларда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда кўрсаткичларни жойлаштиришда уларни қайси турдаги кўрсаткичларга (бошланғич, оралик ва натижавий) тегишли эканлиги ва уларни босқичма-босқич шаклланиш тартибида жойлаштиришни тавсия этамиз:

## Банкларда фойда ва зарарлар кўрсаткичларини таснифлаш

| №  | Кўрсаткичлар                                                    | Кўрсаткичлар тавсифи       |
|----|-----------------------------------------------------------------|----------------------------|
| 1  | Фоизли даромадлар                                               | <i>Бошланғич кўрсаткич</i> |
| 2  | Фоизли харажатлар                                               | <i>Оралиқ кўрсаткич</i>    |
| 3  | Соф фоиз даромади                                               | <i>Натижавий кўрсаткич</i> |
| 4  | Кредитлар бўйича эҳтимолий зарарларни(баҳолаш) қайта тиклаш     | <i>Оралиқ кўрсаткич</i>    |
| 5  | Заҳирани баҳолаш чегириб ташлаганидан кейинги соф фоиз даромади | <i>Натижавий кўрсаткич</i> |
| 6  | Фоизсиз даромадлар                                              | <i>Бошланғич кўрсаткич</i> |
| 7  | Операцион харажатлар                                            | <i>Оралиқ кўрсаткич</i>    |
| 8  | Даромад (фойда) солиғидан олдинги соф фойда (зарар)             | <i>Натижавий кўрсаткич</i> |
| 9  | Даромад (фойда) солиғини баҳолаш                                | <i>Оралиқ кўрсаткич</i>    |
| 10 | Соф фойда (зарар)                                               | <i>Натижавий кўрсаткич</i> |

2. Тижорат банклари йиллик ҳисоботи Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг чоп этиладиган йиллик молиявий ҳисоботларига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низомга асосан тузилади (ЎЗР АВ 2004 йил 25 октябр, 1419-сон). Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Молиявий Ҳисоботларнинг Халқаро Стандартлари (МҲХС)га асосан тижорат банклари йиллик ҳисоботлари тузиш талабларини белгилаб беради ва унга сўнгги марта 2010 йил октябрь ойида қўшимча ва ўзгартириш киритилган. Ушбу ўзгартириш баҳоловчи ташкилотларни тартибга солувчи қонунчилик ўзгарганлиги билан амалга оширилган. МҲХСга киритилган ҳар бир ўзгартириш ва қўшимчалар «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг чоп этиладиган йиллик молиявий ҳисоботларига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низомга ҳам таъаллуқли ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, масаланинг бошқа томони шундаки, бугунги кунда Марказий банк, Ўзбекистон Банклар уюшмаси ёки тижорат банки томонидан МҲХСни сотиб олиш ва янги қабул қилинаётган ўзгартириш ва

қўшимчалар билан тижорат банкларини таъминлаш бўйича томонлар ўртасида ҳеч қандай шартнома ёки шунга ўхшаш ҳужжатлар расмийлаштирилмаган.

МҲХСдан фойдаланишдаги яна бир муаммо шундаки, тижорат банклари улардан фойдаланишда мураккабликларга дуч келмоқдалар. Ўзбекистон Банклар уюшмаси томонидан халқаро стандартларни (МҲХС)ни ўзбек тилига таржима қилиш жараёни кетмоқда. Ушбу амалиётнинг нотўғри эканлигининг иккита асосий сабаби мавжуд:

*Биринчидан*, эскирган маълумотнинг мажбурий қўлланилиши;

*Иккинчидан*, таржима жараёнида маъно ўзгаришига дуч келиниши.

Кенгроқ изох бериладиган бўлса, бугунги кунда таржима қилиниши бошланган МҲХС 2008 йилда рус тилига таржима қилинган нусхага асосланади. Умуман олганда, энг сўнгги асл инглиз тилидаги нусхаси олиниб таржима қилинган ҳолатда ҳам то таржима қилиниб, тасдиқлангунига қадар МҲХС қоидаларида ўзгаришлар вужудга келмоқда. Ушбу муаммоларни ечимига қаратилган қуйидаги тавсиялар берилади:

- Марказий банк томонидан МҲХС Қўмитаси (Фонди) билан тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатиш (ҳамкорлик) ва стандартларнинг ҳақиқий (оригинал) матнини олиш ва банклар амалиётига тадбиқ этиш;

- жаҳонда «катта тўртлик» деб ном олган халқаро аудиторлик компаниялар (трансмиллий) билан тижорат банклари ўртасида айнан МҲХСдаги ўзгаришларга бағишланган турли даражадаги учрашувларни ташкил этиб бориш (форум, конференция, семинар);

- тижорат банкларидаги бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш (масалан, ҳисобварақлар режасини МҲХСга тўлиқ мослаштириш) тартибини 2018-2021 йилларга мўлжалланган махсус дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш мақсадида халқаро грантлардан фойдаланиш.

3. Банкларда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти 1-сон БҲХСнинг «Молиявий ҳолат тўғрисидаги» ҳисоботида банклар фаолиятига тааллуқли бўлган кўрсатмалари хусусида фикр юритадиган бўлсак, маълумки, банклар

аниқ операцион цикл мобайнида товарлар ёки хизматларни етказиб беришни амалга оширмайди. Шу сабабли, банкнинг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида қўйилган талаблар бошқа субъектларга нисбатан ўрнатилган кўрсатмалардан фарқ қилади. 1-сон БҲХСнинг 57-бандининг «б» кичик бандига мувофиқ, истисно тариқасида, молиявий ҳисобот тайёрловчи субъект барча активларни ва мажбуриятларни уларнинг ликвидлилиги бўйича тақдим этишига рухсат этилади. Унинг 63-бандида эса молия ташкилотлари (банклар) учун актив ва мажбуриятларни ликвидлилигининг ўсувчи ёки камаювчи тартибида тақдим этиши, қисқа/узоқ муддатли туркумларга ажратиб тақдим этишига нисбатан ишончли ва ўринлироқ бўлган маълумотларни таъминлайди. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, тижорат банкларининг йиллик молиявий ҳисоботларининг ҳуқуқий асоси бўлиб, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг чоп этиладиган йиллик молиявий ҳисоботларига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низом (№1419, 2004 йил 25.10) хизмат қилиб турибди. Ушбу Низомда активлар – ликвидлик даражасининг пасайиб бориши тартибида; мажбуриятлар тўлов муддатининг камайиб бориши тартибида ва хусусий капитал таркибий қисмининг муҳимлиги жиҳатидан гуруҳланган.

Маълумки, банк ва бошқа молиявий ташкилотлар молиявий ҳисоботларни тайёрлашда 1994 йилда қабул қилинган «Банк ва муқобил молиявий институтлар молиявий ҳисоботларининг маълумотларини ошкор этиш» БҲХС 30 да берилган кўрсатмалар ва тавсиялардан фойдаланилган. Ушбу стандартда банкларнинг молиявий ҳолат тўғрисидаги (баланс) ҳисоботида кўрсатилиши шарт бўлган моддалар белгиланган эди. Бинобарин, 1419-сон Низом ҳам ўзида МҲХС 30 да белгиланган талабларини мужассамлаштирган. Лекин, МҲХС Кенгаши томонидан БҲХС 30 бекор қилингач, банклар ҳам БҲХС 1да белгиланган талаблар асосида молиявий ҳисоботларини тайёрлашга мажбур. Лекин, БҲХС 1да молия ташкилотлари (банклар) учун актив ва мажбуриятларни ликвидлилигининг ўсувчи ёки камаювчи тартибида тақдим этишдан бўлак бирорта аниқ кўрсатма берилмаган. Албатта, банк ва бошқа

молиявий ташкилотларнинг фаолият хусусиятларини инобатга олган ҳолда, БҲХС нинг юқоридаги қайд этилган қоидаларни инкор этиб бўлмайди. Бизнинг фикримизча, БҲХС банк ва бошқа молиявий ташкилотларнинг молиявий ҳисоботларига нисбатан БҲХС 30да белгиланган талаблар киритилса, фойдадан холи бўлмайди деб ҳисоблаймиз.

4. Халқаро стандартларга мувофиқ банк даромадларининг асосий қисмини фоизли даромад олиш ташкил қилади. Тадқиқот объекти бўлган АТБ «Халқ банки»да фоизли даромадларнинг жами даромаддаги улуши сўнгги йилларда ўртача 55-58 фоизни ташкил қилмоқда. Фоизли даромаднинг улуши камайиб бориши ижобий ва салбий ҳолат бўлиши мумкин.

Улушнинг камайиб боришининг ижобий томони шундаки, банкка хос бўлган турли хил бошқа амалларни бажариши эвазига банклар қўшимча фоизсиз даромад олишини таъминлайди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, тижорат банклари фаолиятида ушбу ҳолатда кўпроқ салбий ҳолатга эгадир. Бу эса банкларнинг фоизли даромад келтирувчи банк операцияларини амалга оширишининг камайиши ёки ушбу операцияларда муаммолар мавжуд эканлигидан далолат беради. Банкларнинг асосий операциялари фоиз даромади билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, ушбу операцияларни амалга оширишни кўпайтирса ва унинг даромад таркибидаги улушини 75–80 фоизга етказилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, даромадларни МҲХСга мувофиқлаштиришда АТБ «Халқ банки» даромадларини юқори даромад келтирувчи факторинг операцияларидан дисконт кўринишдаги даромад олишни кўпайтириш мақсадга мувофиқ. Бунда факторинг бўйича дисконтни икки қисмга, яъни берилган қисқа муддатли кредит учун тўлов ва хизмат кўрсатганлиги учун ҳақга бўлиши керак. Чунки, банк регресс ҳуқуқисиз тўлов талабномаларини сотиб олганда савдо ёки хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига кредит беради ва унга хизмат кўрсатади. Факторинг бўйича дисконтнинг 12-15 фоизини хизмат кўрсатганлиги учун ҳақ, қолган 85 фоизини қисқа

муддали кредит учун тўлов сифатида ҳисобга олиш керак. Қисқа муддатли кредит бўйича тўлов фоизли даромад сифатида тан олиниши ва ҳисобга олиниши лозим бўлади. Биз ушбу даромадларни шакллантирувчи банк ҳисобварақларига тегишли қўшимчаларни киритишни таклиф этамиз. Бизнинг таклифимизга кўра, тижорат банклари ҳисобварақлар режасига фоизли даромадлари таркибига янги *41300 - Дебиторлик қарзлари бўйича (сотиб олинган) фоизли даромадлар – Факторинг* ҳисобварағини киритиш лозим.

5. Амалдаги ҳисобварақлар режасига мувофиқ, тижорат банклари ҳар бир қарздор мижоз учун очилган 16401, 16405, 16409, 16413 шахсий ҳисобварақлардаги ҳисобланган фоизсиз даромадларнинг ўз вақтида тўланмаганларини ҳисобини тўғри юритиши учун янги 16476 – *«Шартнома муддатида тўланмаган фоизсиз даромадлар (олиш учун ҳисобланган)»* ҳисобварағини киритиш таклиф этилади.

Биз томондан таклиф берилган 16476 – *«Шартнома муддатида тўланмаган фоизсиз даромадлар (олиш учун ҳисобланган)»* ҳисобварақ, олиш учун ҳисобланган, лекин шартномада белгиланган муддатда тўланмаган (активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари бўйича балансдан ташқари ҳисобварақларига ўтказилгунга қадар ҳисобланган муддати ўтган) фоизсиз даромадлар ҳисоби олиб борилиши, банк учун қанча ҳисобланган фоизсиз даромад ўз вақтида ундирилмаганлигини билиш имконини беради.

6. Банк даромадлари фоизли ва фоизсизга, харажатлар фоизли, фоизсиз ва операцияга ажратилади. «Фойда ва зарарлар тўғрисида»ги ҳисоботнинг 060–сатри соф фоиз даромади деб номланади, бу фоизли даромад фоизли харажатдан кўп бўлган ҳолатда тўғри бўлади. Бизнинг фикримизча, ҳар доим ҳам бундай бўлмаслиги, яъни фоизли даромадлар харажатлардан кам бўлиши мумкин. Бунда банк зарар билан чиқади. Биз молиявий натижаларни шакллантиришдаги ушбу мунозарали жиҳатнинг ечимини топиш мақсадида қуйидагиларни тавсия этамиз:

- амалдаги фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг 060–сатрини соф фоизли фойда (зарар) деб номлаб, ўз навбатида 080–сатрни эса захирани баҳолаш чиқариб ташлаганидан кейинги соф фоизли фойда (зарар) деб номлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди;

- соф фоизли фойда (зарар) таркибида кредит, лизинг, факторинг операциялардан ташқари бошқа операциялардан ҳам фоизли даромад олиш мумкин. Фикримизча, 070–сатрда зарарларни баҳолаш бўйича маълумотлар шакллантирилади. Шунинг учун 070–сатрни эса фоизли даромад келтирувчи активлар бўйича эҳтимолий зарарларни (баҳолаш) қайта тиклаш деб номлаш мақсадга мувофиқ бўлади;

- «Фойда ва зарарлар тўғрисида»ги ҳисоботнинг 130– ва 140–сатрларини мос равишда фойда солиғидан олдинги фойда (зарар) ва фойда солиғини баҳолаш деб номлаш мақсадга мувофиқ. Чунки, бугунги кунда тижорат банклари даромад (фойда) солиғи эмас, балки фойда солиғини тўлаб келмоқда.

### **III боб бўйича хулоса**

Банк ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишнинг пировард мақсади бўлиб, бошқарув ҳисоби ва таҳлилнинг самарали, интеграциялашган тизимини яратиш ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисоби тизими бошқарув таҳлили эҳтиёжларига мослаштирилади. Бошқарув ҳисоби счетлари бўйича ахборот йиғилади, мулкӣ мажмуанинг алоҳида элементлари, уни шаклланиш манбалари ва хўжалик амалиётлари бўйича баланс тузилади. Йиғилган ахборот жамлама баланс жадвалларида умулаштирилади (актив, пассив ва хўжалик амалиётларининг умумий категориялари бўйича). Биринчи босқичда йиғма жадваллар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- бошқарув баланси;
- молиявий натижалар тўғрисидаги бошқарув ҳисоботи;
- фондлар (жамғармалар) ҳаракати тўғрисидаги бошқарув ҳисоботи.

Биринчи босқич натижалари бўйича харажатлар, активлар қиймати, молиявий натижалар тўғрисидаги бирламчи маълумотлар олиниши мумкин.

Шундай қилиб, биринчи босқичда бошқарув таҳлили мақсадлари учун маълумотлар йиғилади. Йиғилган ахборотлар бирламчи қайта ишланади: аналитик коэффициентлар ҳисобланади ва алоқадорлик (функционал ва корреляцион боғлиқлик) аниқланилади.

Якуний босқичда бошқарув режалаштирилиши амалга оширилади, унда иккинчи босқичнинг «кўргазмали маълумотлари» таҳлил этилади ва бунинг асосида банкларнинг бошқарув сиёсати ишлаб чиқилади.

Ҳисоб сиёсатини танлашдаги ахборот таъминотининг муваффақиятли амал қилиши тегишли ташкилий кўмакни талаб этади.

Бозорнинг янги талабларига мувофиқ ҳисоб сиёсатини танлашдаги ҳисоб таъминотини ташкил этиш жараёнига янгича ёндашиш мумкин. Банкларнинг бош мақсадини доимий ҳисобга олгандаги бошқарувнинг барча даражаларида ҳисоб сиёсатини босқичма-босқич-параллел тарзда ишлаб чиқиш мазкур ёндашув негизини ташкил этади.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Назарий манбаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш, ҳисоб сиёсатининг ҳозирги аҳволини тадқиқ қилиш, шунингдек, амалий материалларни қайта ишлаш ҳисоб тизимига доир қуйидаги хулосаларни чиқариш ва таклифларни киритиш имконини берди:

1. Шаклланаётган ҳисоб сиёсати олдидаги вазифалар кўп жиҳатдан банкларнинг ривожланишини тактик ва стратегик йўналишларига боғлиқ. Шу боис, ҳисоб сиёсати банклар томонидан қабул қилинган ҳисоб ва молиявий стратегия асосида шаклланиши лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, ҳисоб сиёсати билан ҳисоб ва молиявий стратегия ўртасидаги боғлиқлик назарий асосланди.

2. Ҳисоб сиёсатини миллий ҳисоб назарияси ва амалиётидаги янги ҳодиса бўлиб, уни ҳаётга тадбиқ этиш муддатлари ва тажрибалари сезиларли тус олганича йўқ.

Бошқа ҳар қандай ҳодиса каби ҳисоб сиёсатида ҳам маълум муаммолар мавжуд. Бу муаммоларни ҳал этиш йўллари юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

3. Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ташкил этишнинг аниқ бир йўналиши бўйича банкларнинг ҳисоб сиёсатини шакллантиришда, бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш тизимига кирадиган меъёрий ҳужжатлар ва қонунларда кўзда тутилган усулнинг бир нечта вариантларидан биттасини танлаш орқали амалга оширилади. Банкларда танланган ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисоби тизимини тўлалигини таъминлаши лозим. Шунинг учун у ҳисоб жараёнининг барча жиҳатларини қамраб олиши керак, яъни: услубий (методологик), техник ва ташкилий жиҳатлари.

Тижорат банклари ҳисоб сиёсатини такомиллаштириш мақсадида молиявий ҳисоботларни МҲХСга мувофиқлаштиришда молиявий ҳисоботларни трансформация қилиш жараёни муҳим роль ўйнайди. Молиявий ҳисоботларни трансформация қилиш бу Марказий банкнинг бухгалтерия ҳисобига оид меъёрий ҳужжатлари асосида шакллантирилган

ҳисоб ишларини халқаро стандартлар талаблари асосида қайта гуруҳлаштириш ва ҳисобот шаклларига тегишли тузатишларни киритиш жараёни ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, тижорат банкларидаги тузилаётган молиявий ҳисобот шакллари МҲХСга трансформация қилиш (ўгириш) модели бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишда бирламчи ҳужжатлардан тортиб, то ҳисоботларни тузиш жараёнини таҳлил қилиш, ҳисобварақлардаги ёзувларни халқарога мувофиқлаштириб чиқиш кабиларни қамраб олади.

Келгусида тижорат банкларида молиявий ҳисоботларни МҲХСга мувофиқлаштиришда, улардаги ҳисоботларни трансформация қилиш ишларини миллий бухгалтерия ҳисоби бўйича бухгалтер ходимларимиз ва мутахассисларимиз томонидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Трансформация қуйидаги босқичларда амалга оширилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

*Биринчи босқич – тайёрлов босқичи.* Бу босқичда қуйидаги ишлар амалга оширилади, яъни:

МҲХС томонидан молиявий ҳисоботларга қўйилган умумий талабларни ўрганиш;

БҲМС ва МҲХСни таққосланма таҳлил қилиш ва баҳолаш;

МҲХС-1 «Молиявий ҳисоботларни биринчи қабул қилиш» номли стандарт талабларини ўрганиш;

МҲХС талаблари асосида ҳисоб сиёсатини тузиш.

*Иккинчи босқич – иштирокчиларсиз трансформация босқичи.* Бу босқичда қуйидаги ишлар амалга оширилади, яъни:

1. БҲМС ва МҲХС асосида тайёрланган ҳисоб сиёсатини таҳлил қилиш.
2. Трансформацияга тақдим этиладиган маълумотларни жамлаш.
3. Ҳисоботнинг компонент шаклини танлаш.
4. Ишчи ҳужжатларни тайёрлаш.
5. Тузатиш. Реклассификациялаш.
6. Дастлабки балансни тайёрлаш.

7. МҲХС шаклида баланс ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш.

8. МҲХС шаклида хусусий капитал тўғрисидаги ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳамда молиявий ҳисоботга тушинтириш хатларини тайёрлаш.

*Учинчи босқич – трансформация ости жараёни.* Бу босқичда қуйидаги ишлар амалга оширилади, яъни:

1. Ҳисоботларнинг қўшимча бўлимларини тайёрлаш.

2. Инфляцияни ҳисобга олган ҳолда ҳисобот кўрсаткичларига тузатишларни киритиш.

3. Молиявий ҳисобот кўрсаткичларини хорижий валюта бўйича таржима қилиш.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### **I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятига молик нашрлар**

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.Шарқ, 2003 йил.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни 1995 йил 21 декабр.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни 1996 йил 25 апрел.
- 1.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони
- 1.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 26 мартдаги ПФ-4522-сонли “Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги Фармони
- 1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони
- 1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сонли Фармони
- 1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги “Ўзбекистон Республикаси марказий банкнинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5296-сонли Фармони
- 1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора–тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ–56 сонли Қарори.
- 1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 28 июлдаги ПҚ–1166–сонли Қарори
- 1.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини

кучайтириш чора- тадбирлари тўғрисида ”ги ПҚ-1317-сонли Қарори, 2010 йил 6 апрель.

1.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015-йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги. ПҚ-1438-сонли Қарори. “Халқ сўзи” газетаси. 2010 й.27 ноябрь

1.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 25-сон, 70-модда

1.14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3270-сонли Қарори

1.15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3272-сонли Қарори

1.16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3620-сонли Қарори

1.17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида»ги 1306–сонли Низом, 2004 йил 30 январ.

1.18. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси» № 773–17–сон 2004 йил 13 август.

1.19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида»ги 1834–сон йўриқнома 2008 йил 11 июл.

1.20. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 2696-сонли “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низоми.

1.21. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015

йил 6 июлдаги “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 2693 – сонли Қарори.

1.22. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 августдаги 2709– сонли “Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низоми.

1.23. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” Тошкент: Ўзбекистон, - 2013 й.

1.24. Каримов И.А. “2014 йилнинг асосий якунлари ва 2015 йилда Ўзбекистонни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маъруза . Тошкент: Ўзбекистон, 2015 й.

1.25. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. - Т.: «Ўзбекистон» , 2005. – 528 б.

1.26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2017 йил 15 август.

1.27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш” чора-тадбирлар тўғрисида” 04.04.2017 йилдаги ПҚ-2868-сонли Қарори.

1.28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

1.29. Шавкат Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ / Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент; Ўзбекистон, 2016 -56 б.

1.30. Шавкат Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабр / Ш.М.Мирзиёев.-Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-48 б.

1.31. Шавкат Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри

сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган. // Ш.М.Мирзиёев. - Тошкент; “Ўзбекистон”, 2017. - 488 б.

- 1.32. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп қўлланма (Матн)/нашр учун маъсул Р.С.Қосимов.-Т.: “Маънавият”, 2018. – 320 бет.
- 1.33. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.-Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.
- 1.34. Шавкат Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қаттиқ тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак.-Т: Ўзбекистон, 2017.

## **II. Монография, илмий мақолалар, патент, илмий тўпламлар**

- 1.35. Абдувахидов Ф. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2006. -160 б.
- 1.36. Каримов А.А. (2008) Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Монография. – Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, - 152 б.
- 1.37. Каримов Н.Ф. (2007) Тижорат банкларида ички аудитни ташкил қилиш ва уни услубиётини такомиллаштириш муаммолари: Иқт.фан.док. дис. ...автореф. - Тошкент: Ўз.Р.БМА. - 39 б.
- 1.38. Умаров З.А. (2007) Тижорат банклари молиявий таҳлилнинг айрим йўналишлари. // Развитие розничного банковского бизнеса мавзусидаги халқаро илмий–амалий конференция материаллари. - Тошкент,—Б. 315–316.,

## **III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар**

- 1.39. Банк В.Р. (2004) Организация и бухгалтерский учет банковских операций: Учеб. пос. - М.: ФиС. - 153 с.
- 1.40. Белоглазова Г.Н. (2009) Банковское дело. Организация деятельности коммерческого банка: учебник /–М.: Высшее образование, –422 с.
- 1.41. Бархатов А.П (2012) Международные стандарты учета и финансовой отчетности. - М.: "Дашков и К". – 484 с.
- 1.42. Бор М.З (1996)Практический курс бухгалтерского учёта в современном банке / –М.: ДИС. –384 с.
- 1.43. Вахабов А.В., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К. (2011) Тижорат банклари ташқи аудитида халқаро молиявий ҳисобот стандартларини жорий этиш методикаси. Монография. Тошкент: Молия, -188б.

- 1.44. Генералова Н.В. (2008) Международные стандарты финансовой отчетности. М.:Прспект- 325 с.
- 1.45. Диана Мак Нотон, Дональд Дж. Карлсон, Клайтон Таусенд Дитд (2002) Организация работы в банках: в 2-х томах. Том 2. Интерприрование финансовой отчетности. Пер. с англ. –М.: Финансы и статистика, 240 с.,
- 1.46. Диана Мак Нотон (1994) Банковские учреждения в развивающихся странах – Всемирный банк, Вашингтон.
- 1.47. Дж. Синки (1994) Управление финансами в коммерческих банках. пер. с англ. 4-го переработанного изд./Catallaxy, – 820 с.
- 1.48. Жарковская Е.П (2005). Банковское дело.–4-е изд., испр. и доп. – М.: Омега-Л, 452 с.
- 1.49. Ибрагимов А.К. (2013) Аудитнинг халқаро стандартлари асосида тижорат банкларида ички аудитнинг ташкилий асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент: Ўз Р.БМА «Молия», -384 б.,
- 1.50. Ибрагимов А.К, Марпатов, Н.Ризаев. (2010) Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари асосида банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. Тошкент, Молия. - 272 б.,
- 1.51. Камышанов П.И., Камышанов А.П (2006). Бухгалтерская финансовая отчетность: составление и анализ. – 5-е издание. – М.: Омега-Л, – 96 с.
- 1.52. Качалин В.В (1998) Финансовый учет и отчетность в соответствии со стандартами ГААР. -Дело, 1998, -432
- 1.53. Колесникова В.И. (1998) Банковское дело: Учебник / под ред., П.П. Кроливедской. 4-е издание – М.: Финансы и статистика.
- 1.54. Коробовой. Г.Г (2005) Банковское дело: Учебник / - М.: Экономист, - 751 с.
- 1.55. Козлова Е.П., Галанина Е.Н. (2000) Бухгалтерский учёт в коммерческих банках. –М.: Финансы и статистика, –640 с.
- 1.56. Лаврушина О.И. (2008)Банковскоедело: Учебник. перераб. идоп. – М.: КНОРУС, 2008. – 768 с.
- 1.57. Норқобилов С, Ортиков У. (2004)«Банк аудити». Ўқув қўлланма. Т. - 108 б., 2005. - 251 б. т.
- 1.58. Палий В. (2007) «Международные стандарты учета и финансовой отчетности». (Учебник). Москва ИНФРА-М.
- 1.59. Палий В.Ф (2004). Международные стандарты учета и финансовой отчетности. Учебник. М.: Инфра-М. – 472 с.
- 1.60. Полищук А.Ш. (1998) Банковский учёт и отчетность: Учебно-практическое пособие. -М.: ИМПЭ, -205 с.,

- 1.61. Соколова Е. (2008) «Международные стандарты учета и финансовой отчетности». Учебно-методический комплекс. Москва.
- 1.62. Усатова Л.В., Сероситан М.С., Арская Е.В (2007). Бухгалтерский учёт в коммерческих банках: Учебное пособие. 3–е изд. пер. и доп. -М.: Изд–торговая корпорация Дашков и К°, -404 с.
- 1.63. Greg Burton F., Jermakowicz K. (2015) International financial reporting standards London, Routledge, Taylor & Francis Group.
- 1.64. Intermediate Accounting (2013) (15th Edition) English, 557 pages, Kieso, Weygandt and Warfield.
- 1.65. IFRS® Standards (2016) (Red Book) is the only official printed edition of the consolidated text of the International Accounting Standards Board's authoritative pronouncements as issued at 13 January 2016. Publication date: 7 March 2016. SET ISBN: 978-1-911040-15-6 (set of two volumes sold together).
- 1.66. IFRS® (2016) (Blue Book) -Consolidated without early application. Containing the official pronouncements applicable on 1 January 2016. Does not include Standards with an effective date after 1 January 2016 (Set of two volumes Part A and B). Blue: 978-1-911040-00-2 (2 vols) and Red: 978-1-911040-15-6 (2 vols).
- 1.67. Steven M. Bragg (2010) «Accounting Best Practices» John Wiley & Sons, New Jersey, USA. –542 p.
- 1.68. Siegel (1992) Introduction to accounting, New York, 1992. 340 p.

### **3.1. Интернет сайтлари**

- <http://www.cbu.uz>-(Ўзбекистон Республикаси Марказий банки)
- <http://www.gov.uz>-(Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали)
- <http://www.stat.uz>-(Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси)
- <http://www.lex.uz>-(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси)
- <http://www.psb.uz> - (АТБ Саноатқурилишбанкнинг расмий сайти)
- [www.bis.org](http://www.bis.org) – (Базель қўмитаси сайти)
- <https://www.sciencedirect.com> - (ScienceDirect халқаро маълумотлар базаси)
- <https://www.scopus.com> - (Scopus халқаро маълумотлар базаси)
- <http://www.en.wikipedia.org> – (Маълумотлар базаси сайти)